

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
ТЎПЛАМИ

25-сон
(889)
2019 йил
24 июнь

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Иккинчи бўлим

455. «Қишлоқ ҳўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги ПФ–5742-сон Фармони
456. «2019 — 2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги ПҚ–4358-сон қарори
457. «2019/2020 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги ПҚ–4359-сон қарори
458. «Кичик саноат зоналари фаолиятини мувофиқлаштириш ва бошқаришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон

Республикаси Президентининг 2019 йил 21 июндаги ПҚ-4363-сон қарори

Бешинчи бўлим

459. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2019 йил 29 майдаги 67-сон «Пенсия ишларини расмийлаштириш ва юритиш тартиби ҳамда пенсия ҳужжатларининг шакллари ва уларни тўлдириш қоидалари тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 17 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2282-6*)
460. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази директорининг 2019 йил 29 майдаги 01-263-сон «Корпоратив бошқарув илмий-таълим маркази магистратурасига кириш тест синовларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 17 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2812-1*)
461. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2019 йил 12 июндаги 71-сон «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 ноябрдаги ПФ-5245-сон «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони бўйича пенсияларни қайта ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 19 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2963-1*)
462. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2019 йил 2 майдаги 71-сон «Муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни маъмурий жавобгарликдан озод этиш ва паспортни расмийлаштиришда давлат божини қоплаш учун тегишли ҳужжатларни расмийлаштириш ҳамда судларга ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 19 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3168*)
463. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Давлат божхона қўмитасининг 2019 йил 10 июндаги 335-В-3, 01-02/12-22-сон «Хорижий давлатлар автотранспорт воситаларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кирганлиги ҳамда транзит ўтиши учун йиғимларни ундириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 20 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2694-3*)
464. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил

8 июндаги 13/6-сон «Кредит бюрolari ва кредит бюрolarига кредит ахборотини такдим этувчи органлар ва ташкилотлар ўртасида кредит ахбороти алмашинуви тартиби тўғрисидаги низомнинг 5-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 20 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2330-1*)

465. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 8 июндаги 13/7-сон «Кредит бюрolari, кредит ахборотидан фойдаланувчилар ва кредит ахборотини етказиб берувчилар ўртасида кредит ахбороти алмашинуви ҳамда кредит ҳисоботларини такдим этиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 2-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 20 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2331-1*)

466. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 8 июндаги 13/8-сон «Кредит ташкилотлари томонидан Кредит ахборотининг давлат реестрига ва кредит бюрolarига кредит ахборотини такдим этиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 4-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 20 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2332-3*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2019 йил 15 июндан 21 июнгача бўлган маълумот

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

455 Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида*

Хозирги кунда қишлоқ хўжалигида 20 млн гектардан ортиқ, шу жумладан 3,2 млн гектар суғориладиган экин ер майдонларидан фойдаланиб, аҳолининг эҳтиёжи учун озиқ-овқат маҳсулотлари, иқтисодиёт тармоқлари учун зарур хом ашё етиштирилмоқда.

Суғориладиган майдонларнинг унумдорлигини ошириш, мелиоратив ҳолати ва сув таъминотини яхшилаш мақсадида давлат дастурлари доирасида кенг қўламли ирригация ва мелиорация тадбирлари амалга оширилмоқда.

Натижада 2008 — 2017 йиллар мобайнида 1,7 млн гектардан ортиқ суғориладиган майдонларнинг сув таъминоти ҳамда 2,5 млн гектар майдонларнинг мелиоратив ҳолатининг яхшиланишига эришилди.

Бироқ, глобал иқлим ўзгариши натижасида сўнгги йилларда даврий равишда кузатилаётган сув танқислиги ва ички ирригация тармоқларининг асосий қисми яроқсиз ҳолатга келганлиги суғориладиган экин ерларининг мелиоратив ҳолати ёмонлашишига ва йиллар давомида фойдаланишдан чиқиб кетишига олиб келган.

Республикада йиллар давомида ирригация ва мелиорация ҳолати ёмонлашуви натижасида фойдаланишдан чиқиб кетган ерларни босқичма-босқич қайта фойдаланишга киритиш, ер ости сув захираларидан самарали фойдаланиш, сув тежовчи технологияларни жорий этиш ҳамда ички ирригация тармоқларини реконструкция қилиш орқали сув йўқотилишини камайтириш, шунингдек, бу ишларда салоҳиятли инвесторлар иштирокини таъминлаш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш концепцияси (кейинги ўринларда — Концепция) 1-иловага мувофиқ;

Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш концепциясини амалга ошириш бўйича «йўл харитаси» 2-иловага** мувофиқ;

2020 — 2030 йилларда қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирларнинг прогноз кўрсаткичлари 3-иловага** мувофиқ;

* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 18 июнда эълон қилинган.

** 2-3-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

2019 — 2022 йиллар давомида қишлоқ хўжалиги ерларида сув тежовчи технологияларни жорий қилишнинг прогноз кўрсаткичлари 4-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш концепциясини амалга ошириш доирасида халқаро молия институтлари билан ҳамкорлик қилиш ва давлат-хусусий шерикликни жорий этиш бўйича ишчи гуруҳи (кейинги ўринларда — Ишчи гуруҳи) 5-иловага* мувофиқ таркибда тасдиқлансин.

Ишчи гуруҳи (Ж.А. Қўчқоров, А.Ж. Вахабов, Ж.А. Ходжаев)га:

халқаро молия институтларини жалб қилган ҳолда эксперимент тариқасида 2019 йилда Наманган вилоятининг Поп ва Мингбулоқ туманларида Концепцияни амалга ошириш тажрибасини яратиш;

эксперимент натижалари асосида 2019 йил 1 ноябрга қадар Концепцияни амалга ошириш тажрибасини бошқа ҳудудларда жорий этиш, шу жумладан ер ва сувдан фойдаланиш соҳасида давлат-хусусий шерикликнинг аниқ шартларини, қўшимча имтиёзлар, алоҳида имтиёзли кредит линияларини ҳамда фойдаланишга киритилган ер ва сувдан фойдаланиш тартибини назарда тутувчи Ҳукумат қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиш топширилсин;

заруратга кўра, мазкур Фармоннинг 2 — 4-иловаларида белгиланган муддатлар ва ҳудудларни ўзгартириш ҳамда уларга қўшимчалар киритиш ҳуқуқи берилсин.

3. Белгилансинки, Концепцияни амалга ошириш доирасида ирригация-мелиорация тармоқларини тиклаш, реконструкция қилиш, сув тежайдиган технологияларни жорий этиш ҳамда сувсизликка чидамли экинларни экиш орқали фойдаланишга киритиш учун инвестициявий шартнома ёки давлат-хусусий шериклик асосида 50 йилгача бўлган муддатга:

қишлоқ хўжалигида фойдаланишдан чиқиб кетган суғориладиган ерлар, шунингдек, лалми ва ўрмон фонди ерлари — Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва қишлоқ хўжалиги корхоналарига;

яйлов, бўз, кўп йиллик дарахтзорлар ва бошқа ерлар — Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, қишлоқ хўжалиги корхоналарига, шунингдек Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган инвесторларга берилади.

4. Концепцияни амалга ошириш доирасида ер майдонларини фойдаланишга киритишда:

ердан фойдаланувчиларга қишлоқ хўжалиги экинларини мустақил жойлаштириш, ерга ишлов бермасдан экин экиш ва ерларни иккиламчи ижарага бериш ҳуқуқи берилади;

мазкур ер майдонлари мақбуллаштирилмайди, ер участкаси ёки унинг бир қисми давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилишига ердан фойдаланувчининг розилиги асосида сарф этилган маблағларнинг бозор қиймати ва олиб қўйиш сабабли етказилган зарарнинг ўрни тўлиқ қопланганидан сўнггина рухсат этилади;

ушбу ер майдонларида барпо этиладиган инфратузилма объектларини

* 4-5-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

(дала шийпон, маҳсулотлар сақланадиган омборхоналар, суғориш иншоотлари ва бошқалар) жойлаштиришга рухсат берилади;

ердан фойдаланувчиларнинг эҳтиёжлари учун олиб келинадиган ва республикада ишлаб чиқарилмайдиган хом ашё, материаллар, техника, асбоб-ускуналар, эҳтиёт қисмлар Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда божхона тўловлари (қўшилган қиймат солиғидан ташқари) тўлашдан озод қилинади;

қонунчиликда белгиланган имтиёзли давр якунланганидан сўнг, янгидан фойдаланишга киритилган ер участкасига нисбатан 10 йил давомида ушбу ер участкаси фойдаланишга киритилгунга қадар белгиланган солиқ ставкалари қўлланилади;

инвестициявий шартнома ёки давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимда назарда тутилган ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан ҳар бир гектар қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни фойдаланишга киритиш билан боғлиқ харажатларнинг 50 фоизи, лекин базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 баробаридан ошмаган қисми қоплаб берилади;

инвестициявий шартнома ёки давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимда назарда тутилган ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан ерларнинг сув таъминоти тизимларини қуриш, реконструкция қилиш учун жалб этилган кредитларнинг бир гектар ҳисобига 40 миллион сўмдан ошмайдиган қисмига тижорат банклари томонидан белгиланган фоиз ставкасининг 5 фоизлик пункти қоплаб берилади;

ер майдонлари инвестициявий шартнома ёки давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим имзоланганидан сўнг қонун ҳужжатларида ваколат берилган давлат органи (мансабдор шахс)нинг қарорига асосан ажратиб берилади.

5. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерлари махсус муҳофазага олиниб, ушбу ерларни қишлоқ хўжалигидан бошқа мақсадларга, шу жумладан саноат ва фуқаролик объектлари (бинолар ва иншоотлар) қурилиши учун ажратилишига йўл қўйилмайди, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан ажратиладиган ерлар бундан мустасно;

қишлоқ хўжалигидан бошқа мақсадларда фойдаланиш учун олиб қўйиладиган суғориладиган ерлар учун компенсация тўлови, олиб қўйилаётган ер майдонлари жойлашган жойларни ҳисобга олувчи коэффициентлар қўлланилмаган ҳолда, худди шундай янги ерларни ўзлаштириш учун талаб этиладиган маблағнинг 10 баробари, лалми ерлар ва суғорилмайдиган кўп йиллик дарахтзорлар эгаллаган ерлар, пичанзорлар ва яйловлар ҳолатини тубдан яхшилаш билан боғлиқ харажатларнинг 20 баробари миқдорида ҳисобланади.

Бунда суғориладиган ерлар учун компенсация тўловининг 90 фоизи, лалми ерлар ва суғорилмайдиган кўп йиллик дарахтзорлар эгаллаган ерлар, пичанзорлар ва яйловлар учун компенсация тўловининг 95 фоизи Республика бюджетига ҳамда мос равишда 10 ва 5 фоизи Қорақалпоғистон Рес-

публикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаларининг махсус ҳисоб рақамларига ўтказилади.

Ушбу меъёр ўзбошимчалик билан ерларнинг қишлоқ хўжалиги муомаласидан чиқишига сабаб бўлган ҳолларда етказилган зарарни ҳисоблашда ҳам қўлланилади ҳамда ҳисобланган маблағларнинг 95 фоизи Республика бюджетига ва 5 фоизи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси ҳамда унинг худудий инспекцияларининг ривожлантириш жамғармасига ундирилади;

суғориладиган ерлар ҳисобидан боғдорчилик, узумчилик ва бошқа кўп йиллик дарахтзорлар ҳамда иссиқхона хўжалиklarини ташкил этиш учун ер ажратиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартиб асосида амалга оширилади;

янги фермер хўжаликлари ва сув истеъмолчилари уюшмалари сувдан фойдаланиш жойларида сувни бошқариш ва ҳисобга олиш воситалари билан мажбурий тарзда жиҳозлаш шарти билан ташкил этилади;

ер майдонларини фойдаланишга киритиш сувни тежовчи технологиялардан (томчилатиб, ёмғирлатиб, тупроқ остидан томчилаб суғориш ва бошқалардан) фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

а) мазкур Фармоннинг 3-иловасида белгиланган қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган ерларни фойдаланишга киритишда ирригация ва мелиорация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш учун талаб этилаётган маблағлар, 2019 — 2029 йиллардаги Инвестиция дастури доирасида давлат бюджетидан мелиорация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш учун ажратиладиган маблағларнинг 5 фоизи микдоридида қўшимча равишда йўналтирсин;

б) Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг ҳисоб-китоблари асосида «Минерал хом ашё базасини ривожлантириш ва қайта тўлдириш» Дастурида кўзда тутиладиган қишлоқ хўжалиги экинларини суғоришга яроқли бўлган ер ости сувлари захирасини аниқлаш ишларини молиялаштириш учун давлат бюджети ҳисобидан маблағ ажратсин;

в) Сув хўжалиги вазирлиги ва Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда:

қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган ерларни фойдаланишга киритишда ирригация ва мелиорация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш билан боғлиқ харажатларни қоплаб бериш тартибини;

ер майдонлари эгаларининг тупроқ унумдорлигини сақлаш ва оширишни рағбатлантирувчи механизмларни назарда тутган ҳолда табақалаштирилган солиқ имтиёзларини жорий қилиш бўйича таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

бир ой муддатда илғор халқаро тажрибаларни инобатга олган ҳолда, ердан фойдаланиш соҳасида давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимларнинг намунавий шаклларини ишлаб чиқсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги:

а) Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси билан биргаликда 2019 йил 1 октябрга қадар қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер майдонларини иккиламчи ижарага беришни назарда тутувчи қонун ҳужжатларига ўзгартириш киритиш бўйича Ўзбекистон Республикасининг қонуни лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

б) суғориладиган ва лалми ерлар, тоғ ва тоғолди ҳамда чўл-яйлов ҳудудларининг тупроқ унумдорлигини ошириш, сув ва бошқа табиий ресурслардан самарали фойдаланиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилишини;

замонавий усуллар асосида мамлакат озиқ-овқат таъминоти барқарорлигига эришиш учун янги серхосил қишлоқ хўжалиги экинлари, уларнинг бирламчи уруғчилигини яратиш бўйича илмий тадқиқотларнинг ташкил этилишини ва ҳаётга татбиқ этилишини таъминласин;

в) Фармонда кўрсатилган вазифалар ижроси тўлиқ ва ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш мақсадида вазирлик таркибида қўшимча 4 та штат бирлигидан иборат масъул бошқарма ташкил этсин.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари 2020 йил 1 январдан бошлаб:

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси билан биргаликда ҳар йили 1 ноябрга қадар мазкур Фармоннинг 3-илоvasида тасдиқланган майдонларнинг кейинги йилда қайта тикланадиган ва фойдаланишга киритиладиган ер майдонлари манзилли рўйхатини шакллантириб, тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиб борсин;

пахта ва ғалла етиштириш рентабеллиги паст бўлган майдони умумий майдоннинг 50 фоизидан ортиқ бўлган туманларнинг барча экин майдонларини ирригация ва мелиорация тармоқларини қуриш, реконструкция қилиш шарти билан пахта ва ғаллани тўлиқ қайта ишлашни ташкил этувчи Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган инвесторларга бериш юзасидан таклифлар киритсин;

ушбу туманларда ташкил этиладиган пахта ва ғаллачилик йўналишидаги инвесторларга мазкур Фармоннинг 4-бандида назарда тутилган имтиёзлар қўлланилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда Ҳукумат бўйсунувида қишлоқ хўжалиги ерларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш, уларни муҳофаза қилиш юзасидан давлат назоратини амалга оширувчи тегишли тузилма ташкил этилишини таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига:

Концепция ва уни амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси»ни ўз вақтида ва самарали ижро этилиши устидан парламент ва жамоатчилик назоратини ўрнатиш;

амалга оширилган ишлар тўғрисида вазирлик ва идоралар ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимларининг ахборотларини ҳар чоракда Сенат, Қонунчилик палатаси ва тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ҳамда халқ депутатлари

вилоят Кенгашларининг мажлисларида эшитиб борилишини таъминлаш тавсия этилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича маслаҳатчиси А.Ж. Вахабов зиммасига — Фармоннинг 3 ва 4-иловаларидаги прогноз кўрсаткичларни, Концепция ва уни амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси»ни ўз вақтида ва самарали ижро этилишини мониторинг қилиш ва зарурий чораларни кўриб бориш;

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазири Ж.А. Ходжаев, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимлари зиммасига — Концепция ва уни амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси»нинг ўз вақтида ва самарали ижро этилишини таъминлаш ҳамда юзага келадиган муаммоларни бартараф этиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиш;

Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги вазири Ш.Р. Хамраев, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимлари зиммасига — Фармоннинг 4-илосидаги прогноз кўрсаткичлари ижросини таъминлаш, фойдаланишга киритилган майдонларда сув тежовчи технологияларни қўллаш, ирригация тармоқларида сув йўқотилишини камайтириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, қўшимча сув омборларини куриш;

Ўзбекистон Республикаси инвестиция ва ташқи савдо вазири С.Ў. Умурзоқов зиммасига — Фармоннинг 3 ва 4-иловаларидаги вазифаларни амалга ошириш мақсадида халқаро молия институтлари ва чет эл инвесторлари маблағларини жалб қилиш бўйича жавобгарлик юклансин.

12. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига мазкур Фармоннинг мазмун-моҳияти ҳамда унда белгиланган чора-тадбирларнинг амалга оширилишини ёритиб бориш тавсия этилсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Адлия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

14. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 17 июнь,
ПФ-5742-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2019 йил 17 июндаги
ПФ–5742-сон Фармониغا
1-ИЛОВА

Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш КОНЦЕПЦИЯСИ

Ўзбекистон Республикаси бўйича жами ерлар 44 892,4 минг гектарни ташкил этиб, ерлардан фойдаланиш мақсади ва тартибига кўра 8 та тоифага бўлинади, жумладан, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар; аҳоли пунктларининг ерлари; саноат, транспорт, алоқа, муҳофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар; табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш ва рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлар; тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар; ўрмон фонди ерлари; сув фонди ерлари; захира ерлар.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар унумдор ерларга тааллуқли бўлиб, умуммиллий бойлик, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг асосий востаси ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг умумий майдони 20 236,3 минг гектарни, шундан ҳайдаладиган ерлар 3 988,5 минг гектарни, кўп йиллик дарахтзорлар 383,1 минг гектарни, бўз ерлар 76 минг гектарни, пичанзор ва яйловлар 11 028,3 минг гектарни, бошқа ерлар 4 760,4 минг гектарни ташкил қилади.

Кейинги йилларда мамлакатимизда ер ва сув муносабатларини такомиллаштириш, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер майдонларини мақбуллаштириш ва уларни ажратишнинг соддалаштирилган тартибини қўллаш, ер-сув ресурсларидан фойдаланишда замонавий бозор механизмлари, инновацион ва ресурс тежовчи технологияларни жорий қилиш, паст ҳосилли пахта ва ғалла майдонларини қисқартириш ҳисобига юқори даражада, экспортбоп маҳсулотлар етиштириш бўйича тизимли чоралар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, республика аҳолиси сонининг юқори суръатлар билан ўсиб бориши, қишлоқ хўжалиги ерларининг бошқа тоифага ўтказилиши ва глобал иқлим ўзгариши таъсирининг кескинлашуви оқибатида охириги 15 йилда аҳоли жон бошига тўғри келадиган суғориладиган ер майдонлари ўлчами 24 фоизга (0,23 гектардан 0,16 гектаргача), ўртача йиллик сув таъминоти даражаси эса 3 048 метр кубдан 158,9 метр кубгача қисқарди.

Узоқ йиллар давомида қишлоқ хўжалиги ерларидан нооқилона фойдаланиш натижасида тупроқнинг табиий унумдорлиги ва экинлар ҳосилдорлиги пасайиб, етиштирилган маҳсулот сифати ёмонлашмоқда, атроф-муҳит ифлосланиши ортиб бормоқда.

Жумладан, суғориладиган экин ерларидаги тупроқларнинг 93 фоизида

ҳаракатчан фосфор миқдори, 68,3 фоизида алмашувчан калий миқдори, 79,3 фоизида гумус (чиринди) миқдори ўртачадан паст даражага тушиб қолган.

Миллий даромади Ўзбекистон билан деярли бир хил бўлган мамлакатларда қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун давлат бюджетининг 4-5 фоизи йўналтирилади ёки ЯИМга нисбатан ривожланаётган мамлакатларда 1 фоиздан ортиқроқни, даромади юқори бўлган давлатларда эса 1 фоиздан камроқни ташкил этади.

Қишлоқ хўжалигида ўртача йиллик сув сарфи 45 696 млн метр куб ёки иқтисодиёт тармоқларида истеъмол қилинган сув ресурсларининг 90 фоизини ташкил этиб, юқориликча қолмоқда.

Ер ва сув ресурслари тобора танқис бўлиб бораётган шароитда қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштиришда экинларни иқтисодий самарадорлиги ва бозор конъюнктураси инobatга олинмасдан ҳамда интенсив қишлоқ хўжалиги жорий этилмаганлиги сабабли қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш ҳажми пастлигича қолмоқда.

Жумладан, ривожланган давлатларда 1 метр куб сув билан 4 — 6 АҚШ долларлик маҳсулот етиштирилади бўлса, республикамизда бу кўрсаткич 0,15 АҚШ долларини ташкил этмоқда.

Ирригация ва мелиорация тадбирларини амалга ошириш йирик капитал қўйилмалар талаб этиши, ушбу мақсадлар учун йўналтириладиган бюджет маблағлари ҳажмининг чекланганлиги, тўғридан-тўғри инвестицияларни, шу жумладан давлат-хусусий шериклик шартлари асосида жалб қилиш масаласига эътибор қаратилмаётганлиги оқибатида қишлоқ хўжалиги ерларининг фойдаланишдан чиқиб кетиши, ҳудудларнинг ресурс ва ишлаб чиқариш салоҳиятидан нооқилона фойдаланиш каби ҳолатлар юзага келмоқда, бу эса ўз навбатида мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва тармоқ экспорт салоҳиятини оширишга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш концепцияси қишлоқ хўжалиги ерларидан ҳамда сув ва гидроиншоотлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, қишлоқ хўжалиги ерларининг максимал маҳсулдорлик салоҳиятига эришиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмини кўпайтириш, тупроқ унумдорлигини тиклаш, давлат-хусусий шериклик доирасидаги лойиҳаларни амалга ошириш учун қулай шароит яратиш, илғор деҳқончилик тизимларини ва қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришнинг юқори ва интенсив агротехнологияларини жорий қилиш бўйича агротехник, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, замонавий ирригация ва мелиорация технологиялари ҳамда ерларни суғориш усулларини кенг жорий этиш, экинлар селекцияси ва уруғчилигини, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш ва сотиш, логистика ва маркетинг тизимларини ривожлантириш, илм-фан ва амалиёт интеграциясини жадаллаштириш мақсадида қуйидаги асосий йўналишларни ўз ичига олади:

1. Қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш

Фойдаланишдан чиқиб кетган суғориладиган ва фойдаланишга киритиладиган ҳамда ўрмон фонди ерларининг мелиоратив ҳолати, унумдорлиги ва сув таъминотини яхшилаш технологиясини жорий қилганлик учун қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига имтиёзлар бериш тизимини яратиш.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган лалми, яйлов ва бошқа ерларни фойдаланишга киритиш мақсадида инвестициявий шартнома ёки давлат-хусусий шериклик шартлари асосида фойдаланишга киритган, яроксиз сув қудуқлари, суғориш насослари, ирригация ва мелиорация тармоқларини таъмирлаган ёки уларни янгидан барпо этган тадбиркорлик субъектларига давлат томонидан кафолатлар бериш.

Қишлоқ хўжалиги ер участкаларини ажратишнинг шаффоф ва тезкор тизимини яратган ҳолда янада такомиллаштириш.

Қишлоқ хўжалиги ерларининг аниқ ҳисоби юритилишини ва янгилаб борилишини таъминлаш, ҳар бир дала контури кесимида маълумотлар базасини шакллантириш мақсадида барча ҳудудларни аэрофотосъёмкадан ўтказиш.

Давлат ер кадастри маълумотларининг ҳаққоний ва тўлиқ шакллантирилишини таъминлаш.

Халқаро молия институтларининг грант маблағларини жалб қилиш ҳамда инвестиция лойиҳалари орқали давлат ер кадастрини юритишда кўп мақсадли ер маълумотларининг автоматлаштирилган ягона тизими — yergeoportal.uzни ишга тушириш.

Қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш агротехникаси, ер ва сув ресурсларидан фойдаланиш ҳолатини геоахборот тизими орқали мониторинг қилиш, ерни масофадан зондлаш тизимларидан кенг фойдаланиш.

Фойдаланилмаётган ерлар ҳақидаги маълумотларни вилоят, туман (шаҳар) ҳокимликлари, давлат хизматлари агентлиги, мутасадди вазирлик, идора ва ташкилотларнинг расмий веб-сайтларида жойлаштириш амалиётини жорий этиш.

Қишлоқ хўжалиги ерларининг тупроқ унумдорлиги, контури, уларга экинларни жойлаштириш, ҳосилдорликни белгилаш тўғрисидаги маълумотларни вилоят, туман (шаҳар) ҳокимликлари ва манфаатдор ташкилотларнинг расмий веб-сайтларида жойлаштириш амалиётини жорий этиш.

Давлат ер кадастрини юритишда кўп мақсадли ер маълумотларининг автоматлаштирилган ягона тизими yergeoportal.uzни яратиш мақсадида Корея Республикаси халқаро «КОИСА» жамғармасининг грант маблағлари доирасида инвестициявий лойиҳасини ишлаб чиқиш.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган лалми, яйлов ва бошқа фойдаланишга киритилган ерларда барпо этиладиган инфратузилма объектларини (дала шийпон, маҳсулотлар сақланадиган омборхоналар, суғориш иншоотлари ва бошқалар) қуриш учун ер участкаларини ажратиш тартибини белгилаш.

Фойдаланишга киритиладиган ерларда барпо этиладиган инфратузилма объектлари минимал меъёрларининг намунавий лойиҳасини ишлаб чиқиш.

Инфратузилма объектларини қуриш учун ер майдонларидан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи рухсатномани Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги томонидан бериш амалиётини жорий қилиш.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини иккиламчи ижарага бериш, шунингдек, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаларида мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини сақлаб қолган ҳолда ер участкасини вақтинча фойдаланиш учун бериш шаклини амалиётга жорий қилиш.

Рентабеллиги паст бўлган пахта, галла ва бошқа экинлар ер майдонларини тўлиқ хатловдан ўтказиб, унумдорлиги ва фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар дастурини, шунингдек, ушбу майдонларда юкори даромадли экинларни жойлаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш.

Қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш тизимини тубдан такомиллаштириш. Бунда ҳудудларнинг тупроқ, иқлим шароитлари ва сув билан таъминланганлик даражаси, ички ва ташқи бозорда маҳсулотга бўлган талаб, даромадлиги асосий мезон бўлишини таъминлаш.

Сув танқис ҳудудларда кам сув талаб қиладиган, сувсизликка чидамли ва сув тўплаш хусусиятига эга бўлган экинларни жойлаштириш.

Тармоқларни интенсиф ривожлантириш талабидан келиб чиққан ҳолда қишлоқ хўжалиги экинларини экиш схемаларини такомиллаштириш, майдон бирлиги ҳисобига кўчат сонини мақбул даражагача ошириш.

Қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерлардан бир мавсумда камида иккита ҳосил олиш чораларини кўриш, ушбу мақсадга эришиш учун тезпишар экинлар уруғи, кўчатлар, минерал ўғит, ёнилғи-мойлаш материаллари ва бошқа турдаги ресурслар билан барқарор таъминлаш тизимини яратиш.

Суғориладиган экин ерларидан янада самарали фойдаланиш, тупроқ унумдорлиги ва қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини ошириш мақсадида илмий асосланган алмашлаб экиш тизимини жорий қилиш.

Халқаро тажрибаларга мувофиқ қишлоқ хўжалигининг янги йўналишларини (Organic, Global G.A.P. ва шу кабилар) жорий қилиш ва ривожлантириш.

Қишлоқ хўжалиги ерлари деградациясининг олдини олиш ва уни кескин камайтириш ҳисобига тупроқ унумдорлигини ошириш.

Яйловлардан самарали фойдаланиш тартибини белгилаш, яйлов ва лалми ерлардан фойдаланишнинг илмий асосланган самарали технологияларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш.

Фермер хўжалиги ёки бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи субъектлар тугатилаётганда ёки мақбуллаштирилаётганда унга ажратилган ер майдонида сарфланган харажатлар (кўп йиллик дарахтзорлар, томчилатиб суғориш тармоқлари ва бошқалар) қийматини ҳисоблаш ва қоплаш тартибини белгилаш.

Боғлар, тоқзорлар, балиқ ҳовузларини ва иссиқхоналар ташкил қилишга ер ажратиш тартибини белгилаш, фойдаланишдан чиқиб кетган ерларда гидропоника, вертикал фермалар усулида иссиқхоналар қуришни қўллаб-қувватлаш.

Сув танқис, кишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш ва фойдаланишга киритиш имконияти қийин бўлган ерларда тайёр замонавий иссиқхоналарни хорижий инвесторлар ҳамда хорижий молия институтларини жалб қилган ҳолда қуриб, тайёр ҳолда лизингга бериш тизимини яратиш.

Кишлоқ хўжалигида тупроқдан унумли фойдаланиш технологияларини жорий этиш. Бунда ерга ишлов бериш ва экинларни парваришлашнинг илғор инновация (Mini till, No till ва бошқ.) технологияларини амалиётга изчиллик билан татбиқ этиш ҳисобига агротехник тадбирлар сонини минималлаштиришга алоҳида эътибор қаратиш.

Кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларига суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати, унумдорлиги ва сув таъминотини яхшилаш технологияларини жорий қилиш билан боғлиқ харажатларини қоплаб бериш тартибини ишлаб чиқиш.

Кишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг унумдорлиги ва ҳосилдорлиги оширилишини таъминлашни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмларини белгилаш.

Ер участкалари эгаларининг тупроқ унумдорлигини сақлаш ва оширишни рағбатлантирувчи механизмларни назарда тутган ҳолда табақалаштирилган солиқ имтиёзларини жорий қилиш.

Кишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерлардан самарасиз фойдаланганлик учун жавобгарлик чораларини кучайтириш.

Ер ва сув ресурсларидан самарасиз фойдаланишнинг олдини олишни, ерларнинг унумдорлигини ошириш ва сувни тежовчи агротехник тадбирларнинг амалга оширилишини (агротехник регламент) ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш.

Иқтисодий жиҳатдан самарасиз, кам ҳосилли боғ ва узумзорларни яроксиз деб топиш ва экин ерлар тоифасига ўтказиш тартибини белгилаш.

Ҳар 5 йилда бир маротаба давлат бюджети маблағлари ҳисобидан кишлоқ хўжалиги экин майдонларида тупроқнинг агрокимёвий таҳлиллари асосида агрокимёвий хариталарни ишлаб чиқиш.

Шаҳар ва шаҳар атрофидан чиқаётган озик-овқат, хўжалик, чорва ҳамда бошқа органик чиқиндиларни тўплаш ҳамда замонавий технологияларни қўллаган ҳолда органик ўғитлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларига етказиб бериш.

Ўрмон фонди ерларидан фойдаланишда давлат-хусусий шериклик механизминини йўлга қўйиш.

Ҳар бир ҳудуднинг кишлоқ хўжалиги имкониятларидан келиб чиқиб, маҳаллий ва хорижий компанияларга тақдимот қилиш мақсадида «кишлоқ хўжалиги бўйича инвестиция хаб»ларини яратиш.

Рентабеллиги паст бўлган пахта ва ғалла майдонлари 50 фоиздан юқори бўлган туманлардаги барча экин майдонларини ирригация ва мелиорация

тармоқларини қуриш, реконструкция қилиш шартлари билан пахта ва ғаллани тўлиқ қайта ишлашни ташкил этувчи кластерларга бериш.

Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси томонидан қишлоқ хўжалиги экинларини суғоришга яроқли бўлган ер ости сувлари захирасини аниқлаш ишларини амалга ошириш учун давлат бюджети ҳисобидан зарур маблағларни ажратиш.

Фойдаланилмаётган ўрмон фонди ерларида янги ўрмонзорлар ва доривор ўсимликлар плантацияларини барпо этиш мақсадида фойдаланиш учун Ўзбекистон Республикасининг фуқароларига давлат-хусусий шериклик шартлари асосида ўрмон хўжалиги органлари томонидан 50 йилгача муддатга ижарага беришни назарда тутувчи қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш.

Тупроқ эрозияси ва деградацияси, шамол ва гармселдан муҳофаза қилиш мақсадида биомелиоратив тадбирлар қўллашни кенгайтириш, ихотазорлар барпо этиш ва қайта тиклаш ҳамда ўрмон фонди ерларида чўл-озуқабоп ўсимликлар плантациялари ва уларни ташқи экологик омиллардан муҳофаза қилувчи яйловларни яратиш.

Қайта тикланадиган ва фойдаланишга киритиладиган ер майдонларининг манзилли рўйхатини шакллантириш.

2. Сув ва гидроиншоотлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш

2020 — 2030 йилларда сув хўжалигини ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш.

Сув ресурсларини бошқариш ва ирригация секторини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш.

Сув ва сувдан фойдаланиш соҳасидаги қонун ҳужжатларини тизимлаштириш ва кодификациялаштириш. Бунда сув ресурсларини бошқариш, сувдан фойдаланиш ва уни истеъмол қилиш бўйича самарали механизмларни жорий этиш.

Қишлоқ хўжалиги экинларини суғоришда томчилатиб, ёмғирлатиб суғориш ва бошқа сув тежовчи технологияларни кенг қўллаш, бу борада ер эгалари ва сув истеъмолчиларини рағбатлантириш механизминини кенгайтириш.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган сув ресурсларини бошқариш ва хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш. Бунда сув истеъмолчилари уюшмалари фаолиятини қайта кўриб чиқиш.

Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва барқарор сақлаш мақсадида ирригация ва мелиорация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш ҳамда таъмирлаш-тиклаш ишларини амалга ошириб бориш.

2020 — 2022 йилларга мўлжалланган ирригацияни ривожлантириш ва суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга доир давлат дастурини пухта ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.

Енгил конструкцияли пластик лоток ва қувурлар ишлаб чиқариш са-ноатини ташкил этиш ҳамда насос агрегатлари ишлаб чиқаришни ривож-лантириш.

Туман ирригация бўлимлари ходимлари ва фермер хўжаликлари раҳ-барларини суғоришда ва шўр ювишда сувдан самарали фойдаланиш ҳамда сувни тежовчи технологияларни қўллаш бўйича кўникма ва билимларини ошириш.

Сув омборлари тармоғини кенгайтириш ҳисобидан лалми ерларни фойдаланишга киритиш. Бунда асосий эътиборни сел сув омборлари ва сунъий сув хавзаларини қуришга қаратиш.

Сув хўжалиги вазирлиги тизимидаги насос станцияларида электр энер-гиясидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш.

Сув истеъмоли соҳасида бозор механизмларини ҳамда сув хўжалиги объектларини эксплуатация қилишда давлат-хусусий шериклик тамойилла-рини босқичма-босқич жорий этиш.

Сувни етказиб бериш бўйича давлат томонидан қилинаётган харажат-ларни сув истеъмолчилари томонидан қоплаш тартибини белгилаш.

Сув ресурсларини бошқариш, сувдан тежамкорлик билан фойдаланиш ва гидротехник иншоотларнинг техник ҳолатини яхшилаш ва хавфсизли-гини таъминлашга қаратилган истиқболли лойиҳалар рўйхатини шакллан-тириш ва уларни халқаро молия институтларининг маблағлари ҳамда хо-рижий грантлар ҳисобидан амалга ошириш.

Сув истеъмолчиларининг сувдан фойдаланиш жойларида сувни бош-қариш ва ҳисобга олиш воситалари билан босқичма-босқич жиҳозланиши-ни ташкил этиш.

Ер ости захира сув ресурсларидан самарали фойдаланиш бўйича тех-нологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш. Қишлоқ хўжалигида ер ости сувларидан ўзбошимчалик билан сув олиш ва ундан исрофгарчилик билан фойдаланиш ҳолатларининг олдини олиш.

Ҳозирги замон талабларидан келиб чиқиб, илмий асосланган тарзда суғориладиган ерларни гидромодул районларга қайта бўлиш ва тасдиқ-лаш.

Сув ва ер ресурсларидан тежовчи ва улардан оқилона фойдаланишга имкон яратиб берувчи суғориш ва мелиоратив техника, машина ва қурил-маларни ишлаб чиқаришни ташкил қилиш.

Белгиланган сув олиш лимитларидан тежаб фойдаланган, суғоришда сувни иқтисод қилувчи суғориш технологиялари жорий қилиб, сув истеъ-мол қилаётган сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчиларини рағбат-лантириш тартибини ишлаб чиқиш.

Сув истеъмолчилари ва сувдан фойдаланувчилар томонидан сув олиш тартибини бузганлик учун жавобгарликни кучайтириш.

Қишлоқ хўжалиги экинларини суғоришга яроқли ер ости сувлари за-хирасини кўпайтириш учун излаш, баҳолаш гидрогеологик ишларини ўтка-зиш ва суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун из-ланишлар олиб бориш.

Ер ости суви истеъмолчиларининг ягона Давлат статистик ҳисобот юритиш тартибини татбиқ этиш ҳамда ер ости сувларидан фойдаланишнинг мониторинг тизимини ривожлантириш.

3. Қишлоқ хўжалиги экинлари селекцияси ва уруғчилигини ривожлантириш

Қишлоқ хўжалиги экинлари селекцияси ва уруғчилиги ҳамда уруғшунослиги соҳасидаги илмий тадқиқот ишлари кўламини кенгайтириш.

Уруғчилик соҳасида замонавий миллий, шу жумладан импорт ўрнини босувчи ҳамда юқори даромадли ва экспортбоп экинлар навларини яратиш механизмини такомиллаштириш.

Қишлоқ хўжалиги экинлари уруғларини етиштириш тизимини такомиллаштириш, шу жумладан сабзавот, полиз, дуккакли, озуқа ва мойли экинлар уруғларини етиштириш ва етказиб беришнинг самарали механизмини яратиш.

Яратилаётган маҳаллий навлар ва хорижий давлатлардан импорт қилинаётган нав ва дурагайларни синов ва давлат реестрига киритиш ишларини тубдан такомиллаштириш.

Жаҳон бозори конъюнктурасини ҳисобга олган ҳолда, республика тупроқ-иқлим шароитларига мос бўлган ноанъанавий қишлоқ хўжалиги экинлари селекцияси ва уруғчилигини йўлга қўйиш.

Қишлоқ хўжалиги уруғчилиги йўналишидаги барча илмий тадқиқот муассасаларида йўқолиб кетиш хавфи остида бўлган маҳаллий навларни қайта тиклаш ва улар асосида органик (экологик тоза) уруғчиликни ташкил этиш ва ривожлантириш бўйича илмий-тадқиқот ва амалий ишларни кенгайтириш ҳамда давлат-хусусий шериклик шартлари асосида ушбу ишлар натижаларини реализация қилиш тадбирларини амалга ошириш.

Қурғоқчилик ва шўрланишга бардошли экинлар селекцияси ҳамда уруғчилигини йўлга қўйиш. Азотни тўплаш технологияларини такомиллаштириш, донли экинларда дуккаклилар генини жорий этиш ҳисобига азотлашиш хусусиятини яратиш, азотни тўловчи микроблар ва ташувчиларни генетик жиҳатдан яхшилаш.

«In vitro» лабораториялари ва кўчатчилик хўжаликларида юқори сифат кўрсаткичли, сувсизликка чидамли мевали дарахт ҳамда ток кўчатлари навларини кўпайтириш.

Уруғчилик бўйича халқаро ташкилотларга (ISTA, OECD, ISF ва ҳ. к.) босқичма-босқич аъзо бўлиш, уруғчилик соҳасида фаолият юритаётган йирик хорижий компаниялар билан ҳамкорлик қилиш ҳамда уруғчилик бўйича тақдим этилаётган мувофиқлик сертификатларининг халқаро даражада тан олиншига эришиш.

Давлат-хусусий шериклик шартлари асосида уруғчилик кластерларини ташкил қилиш, уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг самарали механизмларини жорий этиш.

4. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш ва сотиш, логистика ва маркетинг тизимларини ривожлантириш

Худудлар ихтисослашуви, ички ва ташқи бозорлардаги маҳсулотларга бўлган талабни ҳисобга олган ҳолда инвестициялар, шу жумладан тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар иштирокида замонавий улгуржи-таксимот марказларини (ОРЦ) ташкил этиш.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш ва тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш жараёнини ўз ичига оладиган кластерларни жадал ривожлантириш.

Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати, хавфсизлиги, етказиб бериш шартлари даражасини оширишни таъминлаш.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш ва экспорт қилишда логистика марказлари, агросаноат комплекслари фаолиятини ривожлантириш.

Ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибаси, соҳада татбиқ этилган замонавий техника ва технологиялар асосида халқаро талабларга мос келадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини йиғиб олиш, сақлаш, ташиш ва кутилмаган зиёнларни қоплаш бўйича давлат стандартларини ишлаб чиқиш.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорт ҳажмини оширишнинг самарали механизмини жорий этиш.

Юқори малакали маркетинглар тайёрлаш сифатини ошириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ички ва ташқи бозорларида маркетинг тадқиқотлари олиб бориш кўламини кенгайтиришни қўллаб-қувватлаш чораларини қўллаш.

5. Ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланишда илм-фан ва амалиёт интеграциясини жадаллаштириш

Ер ва сув муносабатлари бўйича тор ихтисосликдаги мутахассислар тайёрлаш бўйича янги ўқув йўналишлари (геодезия, картография ва ҳ. к.) ва факультетлар, шу жумладан етакчи хорижий олий таълим муассасалари билан қўшма факультетлар очиш.

Илмий тадқиқот мавзуларини худудлар ва қишлоқ хўжалигининг муаммолари ечимларидан келиб чиққан ҳолда шакллантириш ва натижаларини тижоратлаштириш.

Тупроқ унумдорлигини ошириш, тупроқ эрозияси ва деградациясининг олдини олишга қаратилган илмий тадқиқотларни олиб боришни жадаллаштириш.

Қишлоқ хўжалиги йўналишидаги илмий тадқиқотларни олиб бориш, инновацион ишланмаларни ишлаб чиқиш ва жорий этишда давлат-хусусий шериклик механизмининг, хусусий секторнинг иштирокини рағбатлантиришнинг самарали механизмларини кенг жорий қилиш.

Хорижий давлатларнинг қишлоқ хўжалиги экинлари серҳосил навлари ва чорва молларининг маҳсулдор зотлари ҳамда турларини маҳаллийлаштириш борасидаги илмий-амалий фаолият ҳамда ҳамкорликни тизимли ташкил этиш.

Соҳа бўйича докторантура ва таянч докторантура орқали илмий даражали юксак малакали илмий ходимларни тайёрлашни кенгайтириш, уларга муаммоли ва долзарб мавзулар бўйича илмий тадқиқот ишларини олиб боришлари учун барча шарт-шароитларни яратиш.

Илмий тадқиқотлар натижасида «Ақлли ва рақамли қишлоқ хўжалиги» технологиясини жорий этишга, унинг техник воситалари ва технология ускуналарини ишлаб чиқаришда маҳаллийлаштиришга эришиш. Бунда:

«Ақлли ва рақамли қишлоқ хўжалиги» технологиясини жорий этишда халқаро молия институтларининг маблағлари ва грантларини жалб этиш;

«Ақлли ва рақамли қишлоқ хўжалиги» технологияларини жорий этиш вазифаларидан келиб чиққан ҳолда қишлоқ хўжалиги йўналишидаги олий таълим муассасаларида мутахассис кадрларни тайёрлашни йўлга қўйиш.

Илмий-тадқиқот институтларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, илмий лабораторияларини модернизация қилиш, замонавий жиҳозлар билан таъминлаш ва таъмирлаш.

Суғориш зоналарини, минтақанинг сув билан таъминланганлигини ҳисобга олган ҳолда қишлоқ хўжалиги экинларининг суғориш техника ва технологияларини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

Жаҳон амалиётини ўрганган ҳолда ноанъанавий суғориш технологияларини ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**456 2019 — 2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида***

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ўз фаолияти даврида таълим ва илм-фанни ривожлантиришга, шунингдек, республика иқтисодиётининг турли тармоқлари, ижтимоий ва маънавий соҳалари учун кадрлар тайёрлашга салмоқли хисса қўшди. Ўтган даврда 100 нафардан ортиқ академик ва 2,5 минг нафар фан докторлари ва номзодлари тайёрланди. Т. Саримсоқов, С. Сирожиддинов, М. Салоҳиддиновнинг математиклар, Ж. Мусаевнинг биокимёгарлар, Х. Абдуллаев, Т. Долимовнинг геологлар мактаблари кенг эътироф этилди. Ўзбекистон Қахрамонлари А. Орипов, Э. Воҳидов, О. Шарафиддинов ва С. Фаниева университетда таълим-тарбия олдилар.

Ўқув жараёни замонавий талаблар ҳисобга олинган ҳолда мутахассислар тайёрлашнинг, шунингдек, педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурлари билан янгиланди. Олий малакали илмий кадрлар тайёрлашнинг янги икки босқичли тизими жорий этилди. Сўнгги 10 йилда турли йўналишлар ва мутахассисликлар бўйича 26 мингдан ортиқ малакали битирувчилар университет дипломини олдилар.

Ҳозирги вақтда 114 та, шу жумладан 18 та халқаро илмий ва илмий-таълим лойиҳалари амалга оширилмоқда, уларда университетнинг 50,0 фоиздан ортиқ ўқитувчилари иштирок этмоқда. 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб «геодезия ва геоинформатика» йўналиши бўйича Қозон федерал университети (Россия Федерацияси) ва «компьютер фанлари», «муҳандислик математикаси», «технологик менежмент» йўналишлари бўйича Холон технологиялар институти (Исроил) билан қўшма таълим дастурлари амалга оширилмоқда. Жаҳоннинг етакчи университетларида 226 нафар ўқитувчи ва докторантларнинг тажриба орттириши, малака ошириши ва илмий тадқиқотлар олиб бориши таъминланмоқда.

Университетнинг моддий-техника базасини модернизациялаш ва мустаҳкамлаш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда. 2 та янги факультет очилди, янги лаборатория ускуналари билан жиҳозланган ўқув-лаборатория корпуслари реконструкция қилинди. Профессор-ўқитувчилар таркиби меҳнатига ҳақ тўлаш 2,5 баравар оширилди.

Давлат томонидан кўрилаётган ҳар томонлама ёрдам ва қўллаб-қувватлаш университет фаолиятида фақат «... ижодий ва тизимли фикрлайдиган,

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 19 июнда эълон қилинган.

ностандарт қарорлар қабул қилишга қодир бўлган, мамлакат манфаатини ҳамма нарсадан устун қўядиган юқори малакали мутахассислар...» тайёрлашгагина эмас, балки қобилиятли ва истеъдодли талаба ёшларнинг тарбиясига ҳам сўзсиз қўмаклашмоқда.

Бугунги кунда университет талабаларининг 73,0 фоизини Қорақалпоғистон Республикаси ва республиканинг барча 12 вилоятларидан келган талабалар ташкил этади. Улар орасида Зулфия номидаги мукофот соҳибалари, номли стипендиатлар, фанлар бўйича халқаро ва республика олимпиадалари совриндорлари, спорт турлари бўйича жаҳон ва Осиё чемпионатлари ғолиблари бор. С. Сирожиддинов номидаги академик лицей битирувчиларининг 87,0 фоизидан ортиғи республика олий таълим муассасаларига муваффақиятли кирдилар ва ўқишни давом эттирмоқдалар.

Шу билан бирга танқидий ва ҳар томонлама таҳлилларда юқори малакали кадрлар тайёрлаш, илмий ва кўп қиррали инсон капиталини ривожлантириш соҳасида жиддий тўғоноқ ва тўсиқ бўлаётган комплекс камчиликлар ва муаммолар аниқланди. Кейинги йилларда университетнинг Миллий университет мақомига муносиб бўлиши учун амалий ва самарали чоратадбирлар таъминланмади. Шу жумладан:

биринчидан — ҳар бир факультет ва кафедра бўйича таълимнинг йўналишлари ва мутахассисликлари таркиби, шунингдек, қабул квоталари реал эҳтиёждан анча орқада қолмоқда, кўпинча ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларига, меҳнат бозори ва кадрларнинг буюртмачилари эҳтиёжларига мос келмайди. Битирувчиларнинг ишга жойлаштирилиши ҳамма вақт ҳам эгалланган мутахассисликка мувофиқ эмас;

иккинчидан — таълим жараёнига, шу жумладан синовдан ўтган ва халқаро стандартларга мувофиқ бўлган замонавий педагогик технологияларни жорий этиш даражаси паст. Таълим жараёнини ўқув-методик таъминлаш ва унинг мазмуни иқтисодиёт тармоқларининг инновацион ва технологик ривожланишидан орқада қолмоқда, талабаларнинг назарий ва ишлаб чиқариш амалиётини ташкил этиш самарали эмас;

учинчидан — университетни, шу жумладан ўқув-тарбиявий ва илмий жараёни самарали бошқаришни таъминлаш учун кадрлар захирасини тайёрлашнинг аниқ ифодаланган тизими мавжуд эмас. Айрим педагог кадрларнинг касбий маҳорати даражаси етарли эмаслиги, малака ошириш курсларининг, педагог ва илмий ходимлар стажировкасининг самарасизлиги, магистрантлар ва диссертантларнинг раҳбарлари ва маслаҳатчиларини тайинлашда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг илмий-тадқиқот институтлари салоҳиятини суёт жалб этиш, турли дастурлар, шу жумладан чет элда магистратура бўйича кадрлар тайёрлашнинг тизимсизлиги сақланиб қолмоқда;

тўртинчидан — университет ўқитувчиларининг атиги 59,0 фоизи илмий даражага эга, фан докторларининг ўртача ёши 61 ёшни, фан номзодларининг ўртача ёши — 54 ёшни ташкил этмоқда. Университет нуфузли халқаро агентликлар рейтингига кирмайди, олимларнинг илмий мақолаларидан халқаро иқтибос келтириш даражаси пастлигича қолмоқда, талаба-

лар маълум бир қисмининг илм-фанга интилиши ва қизиқиши жуда сустрек эканлиги кузатилмоқда;

бешинчидан — университет ахборот тизимининг мазмуни, унумдорлиги ва сифати, шунингдек, ИТ мутахассисларнинг ўз ишини билиши паст даражада қолмоқда. Юқори тезликдаги Интернет тармоғидан фойдаланиш имконияти йўқ, университет худудининг атиги 7,0 фоизда Интернетга, шу жумладан хорижий ахборот таълим ресурсларига симсиз уланиш мумкин;

олтинчидан — етакчи хорижий ихтисослашган илмий марказлар билан, айниқса илмий стажировкалар асосида яқин шериклик муносабатларини ўрнатиш ишлари зарур тарзда амалга оширилмаяпти, университетнинг ўқув ва илмий фаолиятига жалб этилган хорижий профессорлар ва ўқитувчилар сони етарли эмас;

еттинчидан — ўтказилган социологик тадқиқотлар йигитлар ва қизлар, шунингдек, ёш педагоглар билан олиб борилаётган маънавий-маърифий ишларни аниқ мазмун билан тўлдириш, уларда билимга интилишнигина эмас, балки инсонпарварликнинг миллий анъаналарига содиқлик ва юксак маънавиятни тарбиялаш, ёт ғоялар ва мафкураларга нисбатан танқидий тафаккур ва иммунитетни мустаҳкамлаш зарурлигини кўрсатмоқда. Ректорат, факультетлар ва кафедраларнинг кўпчилик раҳбарлари ушбу муҳим ишдан ўзларини четга олишган, уларнинг талабалар турар жойларида ёшлар билан учрашувлари сони жуда кам. Дам олиш, кўплаб тадбирларнинг, шу жумладан маданий-оммавий ва спорт тадбирларининг даражаси пастлигича қолмоқда;

саккизинчидан — айрим факультетлар, академик лицей, спорт иншоотлари ва талабаларнинг дала амалиётлари ўтадиган жойларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун амалий чора-тадбирлар кўрилмаяпти. Илмий-тадқиқот лабораторияларида замонавий асбоб-ускуналар етишмайди. Талабалар яшаш жойларида ўринлар тақчиллиги мавжуд, шунингдек, университет ходимлари ва чет элдан таклиф қилинадиган мутахассислар учун турар жой етарли эмас;

тўққизинчидан — университетни ривожлантиришда олий таълим муассасалари менежментининг замонавий усуллар ва илғор амалиётга асосланган аниқ ифодаланган стратегияси мавжуд эмас. Молиялаштириш тизимини қайта кўриб чиқиш ва оптималлаштириш, шунингдек, маблағлардан, энг аввало бюджет маблағларидан оқилона ва самарали фойдаланишнинг шаффоф механизмларини жорий этиш талаб қилинади;

ўнинчидан — деканатлар ва кафедралар раҳбарлари, шунингдек, профессор-ўқитувчилар таркиби меҳнати самарадорлигини баҳолашнинг ва кейинчалик уларни моддий рағбатлантиришнинг рейтинг тизими жорий этилмаган.

Кўрсатиб ўтилган камчиликлар ва муаммолар Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети (А.Р. Мараҳимов) ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (И.У. Маджидов) раҳбариятида талабчанлик, мақсадга йўналтирилганлик ва юқори малакали, ян-

гича фикрлайдиган кадрлар тайёрлашнинг халқаро стандартларига жавоб берадиган замонавий шакллари ва усулларини излаш, яратиш ва фаол жорий этиш, олий таълим илм-фанининг улкан салоҳиятидан самарали фойдаланиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг жадал ривожланишига фаол улуш қўшишга тайёр ва қодир бўлган муносиб талаба ёшларни ҳар томонлама тайёрлаш бўйича шахсий ташаббус мавжуд эмаслигининг тўғридан-тўғри оқибати ҳисобланади.

Фундаментал ва гуманитар фанлар соҳасида халқаро стандартларга мувофиқ талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш, олий таълим илм-фанини жадал ривожлантириш, истиқболли ва юқори технологик йўналишлар бўйича илмий салоҳиятдан самарали фойдаланиш, кадрларнинг касбий даражаси ва педагогик маҳоратини узлуксиз ошириб бориш, талаба ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялашни кучайтириш, шунингдек, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетини комплекс ривожлантиришни таъминлаш бўйича тизимли чоратадбирларни амалга ошириш мақсадида:

1. Ректор А.Р. Мараҳимов ва унинг ўринбосарлари Д.Х. Жумабаев, А.С. Тўраев, В.А. Ибодуллаев, Н.Н. Қодиров университетнинг таркибий бўлинмалари томонидан самарали менежментни таъминлаш бўйича жиддий камчиликларга йўл қўйилганлиги, жорий, ўрта муддатли ва истиқболли вазифалар тизимли таҳлил қилинмаганлиги, эътироф этилган халқаро талаблар ва стандартлар даражасида замонавий таълим, шу жумладан инновацион дастурлар ва самарали илмий-тадқиқот ишлари жорий этилишини таъминлаш юзасидан бошқарув бўғинининг раҳбар кадрлари ва профессор-ўқитувчилар таркибига нисбатан талабчанликнинг сустлиги, шунингдек, университетнинг мамлакатимиз университетлари ва етакчи хорижий олий таълим муассасалари орасида рейтингини ошириш учун шахсан жавобгар эканлиги тўғрисида қатъий огоҳлантирилсинлар.

2. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазири И.У. Маджидов, унинг ўринбосарлари — К.А. Шарипов, У.Ш. Бегимқулов, С.М. Бузрукхонов, вазирлик ҳайъати ва марказий аппарат таркибий бўлинмалари раҳбарларининг эътибори Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–2909-сон қарорида белгилаб берилган асосий йўналишларни, устувор вазифаларни амалга ошириш ва мақсадли кўрсаткичларга эришиш ҳамда мамлакатда олий таълимнинг математика, табиий-илмий ва гуманитар йўналишлари бўйича кадрлар тайёрлаш бўйича базавий университет сифатида Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетини комплекс ривожлантириш бўйича бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижроси юзасидан улар томонидан назорат, таъсирчан мувофиқлаштириш мавжуд эмаслигига ҳамда кўрилаётган чоратадбирларнинг самарадорлиги пастлигига қаратилсин.

3. Бош вазирнинг ўринбосари А.А. Абдуҳакимов Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёшлар, фан, таълим, соғлиқни сақлаш ва спорт масалалари бўйича маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов билан биргаликда:

2019 йил 1 июлга қадар — 2015 — 2019 йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматнинг ҳужжатлари билан тасдиқланган 2017 — 2021 йиллар даврида республикада олий таълимни ривожлантириш тизими бўйича устувор вазифалар, талаблар ва чора-тадбирлар амалга оширилиши самарадорлигини пухта ва ҳар томонлама таҳлил қилсин;

2019 йил 1 августга қадар — танқидий таҳлил қилиш асосида: биринчи — олий таълим муассасаларини ривожлантириш, уларнинг моддий-техника базасини ва молиялаштириш ҳолатини мустаҳкамлашнинг муҳим йўналишлари бўйича кўрилган чора-тадбирларнинг натижадорлиги; иккинчи — тасдиқланган комплекс дастурларга (чора-тадбирларга) оптимал тузатишлар киритиш; ва учинчи — тегишли вазирликлар, идоралар ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг уларга юкланган мақсадли вазифаларни амалга оширишда масъулиятсизликка йўл қўйган раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги чоралари бўйича аниқ таклифлар киритсин.

4. Юқорида кўрсатиб ўтилган мансабдор шахслар ҳамда вазирликлар, идоралар ва ҳокимликлар раҳбарларининг алоҳида эътибори Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида 2019 йил 24 майда олий таълим муассасалари ректорлари ва республика илмий жамоатчилиги билан учрашувда белгиланган талаблар ва устувор вазифалар ўз вақтида, сўзсиз ва тўлиқ ҳажмда бажарилиши зарурлигига қаратилсин. Ушбу мақсадларда берилган топшириқлар бажарилишини ва олдинга қўйилган мақсадларга эришилишини таъминлайдиган амалий чора-тадбирлар ишлаб чиқилсин, тасдиқлансин ва амалга оширилсин.

5. Кўп қиррали ва устувор вазифаларни — «... инсон капиталини ҳар томонлама ривожлантириш, кейинчалик Ўзбекистон Республикасининг интеллектуал, илмий ва иқтисодий қудратини, шунингдек, равнақи ва мустақиллигини таъминлашга қодир бўлган халқаро стандартлар даражасида мутахассисларни тайёрлаш учун зарур ва қулай шарт-шароитлар яратиш...» бўйича комплекс аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, унинг факультетлари, ихтисослаштирилган кафедралари ва бошқа кафедралари, илмий-тадқиқот институтлари, академик лицей раҳбариятининг, бутун профессор-ўқитувчилар таркиби ва талаба ёшларининг асосий мақсади этиб белгилансин.

6. 2019 — 2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетини комплекс ривожлантириш дастури ишлаб чиқилишини таъминлаш мақсадида университет ректорати, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Молия вазирлиги, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа раҳбарларининг — кадрлар буюртмачиларининг, Тошкент шаҳар ҳокимлигининг талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва университетнинг илмий салоҳиятини ривожлантириш, шунингдек, унинг Ўзбекистон Республикаси олий таълими байроқдори сифатидаги мақомини тиклашнинг мустаҳкам асоси, амалий механизми ва қафолати бўлишга қаратилган 9 та мақсадли дастурни биргаликда ишлаб чиқиш тўғрисидаги таклифларига

розилик берилсин. Қуйидаги мақсадли дастурларни ишлаб чиқишнинг асосий йўналишлари 1 — 9-иловаларга* мувофиқ тасдиқлансин:

1-компонент — «Худудлар, иқтисодиёт тармоқлари, илм-фан ва ижтимоий соҳани ривожлантириш эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда таълим йўналишлари ва мутахассисликларини оптималлаштириш, кадрлар тайёрлашнинг мақсадли параметрларини шакллантириш, талабаларнинг ишлаб чиқариш ва бошқа корхоналарда амалиётини ташкил қилиш»;

2-компонент — «Энг янги педагогик технологиялар ва ўқитиш усуллари жорий қилишнинг халқаро амалиётига мувофиқ таълим жараёнини режалаштириш, чуқурлаштириш ва сифатини яхшилашни ташкил этишни такомиллаштириш»;

3-компонент — «Ректорат, факультетлар, кафедралар, илмий-тадқиқот муассасалари ва академик лицей раҳбар кадрлари ва профессор-ўқитувчиларини танлаш ва тайинлаш, уларнинг касб даражаси ва педагогик маҳоратини ошириш тизимини такомиллаштириш»;

4-компонент — «Илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятни ривожлантириш, университетда олиб бориладиган тадқиқотларни ишлаб чиқариш, академик илм-фан эҳтиёжлари билан интеграциялаш, ўқитувчилар илмий ишининг натижадорлигини таъминлаш, ёшларни илмий фаолиятга жалб қилиш»;

5-компонент — «Таълим, илмий ва маъмурий фаолиятнинг ягона ахборот маконини яратиш, ахборот-коммуникация технологиялари инфратузилмасини жиҳозлаш, контент билан тўлдириш»;

6-компонент — «Етакчи хорижий университетлар билан халқаро ҳамкорликни, шериклик муносабатларини ривожлантириш, таълим фаолиятига хорижий мутахассислар ва ўқитувчиларни жалб қилиш»;

7-компонент — «Тарбиявий ишлар тизимини такомиллаштириш, талабаларга юксак ахлоқий ва маънавий-маърифий фазилатларни сингдириш, ёт ғоя ва мафқураларга нисбатан иммунитетни мустаҳкамлаш, талабаларнинг соғлом турмуш тарзи ва дам олишини ташкил қилиш учун шарт-шароитлар яратиш»;

8-компонент — «Моддий-техник базани модернизация қилиш ва мустаҳкамлаш, лабораторияларни замонавий ўқув-илмий усқуналар билан жиҳозлаш, ижтимоий-спорт инфратузилмасини ривожлантириш»;

9-компонент — «Университет фаолиятини самарали молиялаштириш, харажатларни оптималлаштириш ва босқичма-босқич ўзини ўзи молиялаштиришга ўтиш.

7. Университет, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, бошқа вазирликлар ва идораларнинг тегишли норматив ҳужжатлар ва амалий чора-тадбирларни ўз вақтида тайёрлаш, уларни пухта иқтисодий, молиявий ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш ишлари мувофиқлаштирилишини таъминлаш, шунингдек, белгиланган муддатларда мақсадли дастурларни шакллантириш учун 10-иловага* мувофиқ таркибда Мувофиқ-

* 1 — 10-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

лаштирувчи гуруҳ ташкил этилсин. Мувофиқлаштирувчи гуруҳ раҳбари — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А. Абдухакимов бир ҳафта муддатда ушбу қарорга 1 — 9-иловалар бўйича ишчи гуруҳлар таркибларини ва мақсадли дастурларни амалга оширишнинг босқичма-босқич жадвалини тасдиқласин.

8. МДХ мамлакатлари ва хорижий давлатларнинг етакчи олий таълим муассасаларида, шу жумладан М. Ломоносов номидаги Москва давлат университетида синовдан ўтган тажрибани ўрганишни ҳисобга олган ҳолда 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб факультетлар ва кафедралар, илмий-тадқиқот институтларининг лабораториялари бўйича, академик лицейда ва умуман, университетда раҳбарлар ҳамда профессор-ўқитувчилар таркиби фаолиятининг самарадорлигини тасдиқланган мақсадли дастурлар бўйича рейтинг баҳолаш тизими жорий этилсин.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ректори Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда:

2019 йил 1 августга қадар — Ўзбекистон Республикаси Президентининг 5 та ташаббусини барча курсларда ва университетнинг таркибий бўлинмаларида амалга ошириш тартибини ва чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

Талабалар, айниқса, талабалар турар жойларида яшайдиган ва яшамайдиган талабалар билан мунтазам асосда фаол мулоқот олиб бориш амалиётини жорий этиш, уларнинг талаб ва эҳтиёжларини тизимли равишда ўрганиш, талаба ёшларнинг ўқув, илмий ва маънавий ҳаётидаги муаммоли масалаларни бартараф этиш бўйича аниқ чоралар кўриш университет ректори ва проректорларининг, деканатлар ҳамда кафедралар раҳбарларининг, барча профессор-ўқитувчилар таркибининг устувор вазифаси этиб белгилансин;

2019 йил 1 сентябрга қадар — рейтинг баҳолаш тизимини жорий қилишда асос бўладиган индикаторларни (кўрсаткичларни);

2019 йил 1 октябрга қадар — юқорида қайд этилган индикаторлар (кўрсаткичлар) асосида таркибий бўлинмалар ва умуман университет фаолиятининг самарадорлиги ҳамда натижадорлигини рейтинг баҳолаш тизимини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

9. Таркибий бўлинмалар раҳбарлари ва профессор-ўқитувчилари таркибининг билими ва малакаси, касбий тайёргарлик даражасини ошириш тизимини тубдан яхшилаш, уларнинг айримлари орасидаги салбий иллатлар намоён бўлишининг олдини олиш ва уларга барҳам бериш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ректорати ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг муҳим вазифаси этиб белгилансин. Шу мақсадларда:

2019 йил 1 сентябрга қадар — университетнинг таркибий бўлинмаларида кадрларнинг самарали захирасини шакллантириш;

2019 йил 1 октябрга қадар — бошқарув бўғини ходимларини, шунингдек, университет барча бўлинмаларининг профессор-ўқитувчиларини белгиланган тартибда аттестациядан ўтказиш;

2019 йил 1 ноябрга қадар — университет раҳбарлари ва профессор-ўқитувчиларининг «Эл-юрт умиди» жамғармаси йўналиши бўйича ва молиялаштиришнинг бошқа манбалари ҳисобига рейтинг даражаси юқори бўлган хорижий олий таълим муассасалари ва илмий-техник марказларда, шунингдек, мамлакатимиз корхоналарида, республика Фанлар академияси тизимидаги ташкилотлар ва бўлинмаларда 6 ой муддатга стажировкасини ташкил этиш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилсин.

10. Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг янгиланган ташкилий тузилмаси ва ректоратининг тузилмаси 11-иловага* мувофиқ тасдиқлансин. 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб ректорат тузилмасига республика олий таълим муассасалари учун таълим дастурларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш методологиясини мувофиқлаштиришнинг ўқув-методик ва илмий патронаж бўйича базавий олий таълим муассасаси сифатида университетнинг ўқув-методик таъминлаш ва таълим сифатини назорат қилиш бўйича проректори лавозими киритилсин.

Университет ректорати, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, кадрлар буюртмачилари бўлган давлат ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг:

2019/2020 ўқув йилидан бошлаб — муҳандислик математикаси, компьютер фанлари ва технологик менежмент йўналишлари бўйича Ўзбекистон-Исроил факультетини;

2020/2021 ўқув йилидан бошлаб ва кейинги йилларда — «Амалий математика ва интеллектуал технологиялар», «Биофизика ва муҳандислик тадқиқотлари», «Фундаментал тиббиёт ва биокимё» факультетларини ташкил қилиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

Университет ректори А.Р. Мараҳимов 10 кун муддатда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги билан биргаликда 11-иловадан келиб чиқиб университет ректорати, деканатлари, кафедралари ва бошқа таркибий бўлинмаларининг штат жадвалини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳузурида Интеллектуал-дастурий тизимлар илмий-амалий марказини ташкил этиш ҳақидаги таклифига розилик берилсин.

11. С.Ҳ. Сирожиддинов номидаги академик лицей «табiiй ва аниқ фанлар»га ихтисослаштирилган С.Ҳ. Сирожиддинов номидаги республика академик лицейи этиб қайта ташкил этилсин.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда С.Ҳ. Сирожиддинов номидаги республика академик лицейининг кейинги самарали фаолияти тўғрисида асослантирилган таклифларни, шу жумладан:

2021/2022 ўқув йилидан бошлаб ўқувчиларни қабул қилиш ва кейин-

* 11-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

чалик уларни Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг тегишли факультетларига тўғридан-тўғри қабул қилиш тартиби;

2021/2022 ўқув йилидан бошлаб С.Х. Сирожиддинов номидаги республика академик лицейини С. Сирожиддинов номидаги республика гимназиясига айлантириш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

12. 2019/2020 ўқув йилида Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетига талабаларни давлат буюртмаси асосида қабул қилишнинг асосий кўрсаткичлари 12-13-иловаларга* мувофиқ тасдиқлансин.

13. Университет фаолиятини молиялаштиришнинг қуйидаги манбалари белгилансин:

а) Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги орқали ажратиладиган ҳамда устав фаолиятига мувофиқ Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг жорий харажатларини молиялаштиришга йўналтирилладиган республика бюджет маблағлари;

б) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Фазначилигидаги алоҳида шахсий ҳисобвараққа тушадиган ва устав фаолиятига мувофиқ Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг жорий харажатларини молиялаштиришга ва капитал харажатларни амалга оширишга йўналтирилладиган контрактлар бўйича тўлов маблағлари;

в) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Фазначилигидаги ҳисобвараққа тушадиган ва грант сметасига мувофиқ харажатларни молиялаштиришга йўналтирилладиган грант маблағлари;

г) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Фазначилигидаги ҳисобвараққа тушадиган ва шартномавий ишлар бажарилишини молиялаштиришга йўналтирилладиган хўжалик шартномаси (ёки бошқа йўналиш) бўйича маблағлар;

д) соҳага кирмайдиган фаолиятдан олинладиган ва университетнинг жорий харажатларига йўналтирилладиган бошқа тушумлар.

14. Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида Университетни ривожлантириш жамғармаси ташкил этилганлиги ва хўжалик шартномалари, пулли курслар, ҳомийлик ажратмалари, биноларни ижарага бериш, босмахона фаолияти ва бошқа фаолиятдан тушадиган маблағларнинг манбаи ҳисобланиши маълумот учун қабул қилинсин.

Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра Ривожлантириш жамғармасининг маблағлари фақат қуйидаги мақсадларга йўналтирилади:

моддий-техник базани мустаҳкамлаш;

кредитор қарздорликни қоплаш;

ходимлар ва профессор-ўқитувчиларни моддий рағбатлантириш.

15. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда 2019 йил 1 августга қадар Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Ҳомийлик кенгашини тажриба тариқасида ташкил қилишни, унинг шахсий таркибини тасдиқлашни,

* 12 — 13-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ваколатларини, қарорлар қабул қилиш ва ижро этиш механизмларини белгилашни назарда тутувчи таклифларни ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари А.Ж. Рама-тов, Ж.А. Қўчқоров, А.А. Абдухакимов, Т.К. Нарбаева, вазирликлар ва идора-лар раҳбарлари, Тошкент шаҳар ҳокими Д.А. Ортиқхўжаев 2019 йил 24 май-да олий таълим муассасалари ректорлари ва илмий жамоатчилик билан ўтказилган учрашувда белгиланган топшириқлар ўз вақтида ва пухта иш-лаб чиқилишини таъминласинлар. Жумладан:

2019 йил 1 июлга қадар — Тошкент шаҳри Олмазор туманидаги та-лабалар шаҳарчаси худудида, хусусан, университет профессор-ўқитувчи-лари ва ёш тадқиқотчилари учун 6 та замонавий кўп қаватли уйлар, уни-версал спорт мажмуаси, «Ёшлар боғи», «wi-fi» зона ва бошқа объектлар-ни қуриш;

2020 йил 1 январга қадар — университетнинг биология факультети учун Виварий ва оранжерея биноларини қуриш;

2020 йил 1 январга қадар — университетнинг Чорвоқ ўқув-амалий марказининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва уни замонавий гидрометеорологик асбоблар билан жиҳозлаш бўйича таклифлар кирит-син.

Аниқ ва табиий фанлар факультетларининг ўқув-илмий лаборатория-ларини жиҳозлаш мақсадида университетга 6,0 млн АҚШ доллари ажратил-гани маълумот учун қабул қилинсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги, Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Молия вазир-лиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги таълим ва илм-фан со-ҳасидаги барча давлат ташкилотларида илмий-педагогик ва меҳнат фаолия-ти билан шуғулланаётган ходимларнинг ойлик иш ҳақига 2019 йил 1 сен-тябрдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобига — фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) даражасига (ёки хорижий мамлакатларнинг уларга тенглаштирилган даражасига) эга бўлган ходимларга 30,0 фоизгача, фан доктори (Doctor of Science) даражасига (ёки хорижий мамлакатларнинг уларга тенглаштирилган даражасига) эга бўлган ходимларга 60,0 фоизгача қўшимча ҳақ тўлаш тартиби тўғрисида Вазир-лар Маҳкамасининг қарори лойиҳасини бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва киритсин.

Белгилансинки, қўшимча ҳақ ҳар бир ходимнинг илмий-педагогик ва меҳнат фаолиятига қўшган аниқ ҳиссасини ҳисобга олган ҳолда таркибий бўлинма раҳбарининг тақдимномаси асосида ва муассаса (ташкилот) кол-легиал органининг қарорига кўра тўланади.

18. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Фанлар академияси, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирли-ги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Ўзбекис-тон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобига олий ўқув юрти-дан кейинги таълим тизимида тайёргарлик босқичи сифатида 2020 йил

1 январдан бошлаб стажёр-тадқиқотчилар институтини жорий этиш ҳақида Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳасини икки ой муддатда ишлаб чиқсин ва киритсин.

19. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — молия вазири Ж.А. Қўчқоров ушбу қарорнинг 13-14-бандларида қайд этилган манбаларни ва халқаро грантларни ҳисобга олган ҳолда ушбу қарорда назарда тутилган топшириқлар ва чора-тадбирларни молиялаштириш учун маблағлар ажратиш юзасидан, кейинчалик асосланган таклифлар киритиш учун уларнинг молиявий жиҳатдан пухта ишлаб чиқирилишини таъминласин.

20. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

21. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А. Абдуҳақимов, олий ва ўрта махсус таълим вазири И.У. Маджидов ва Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ректори А.Р. Мараҳимов зиммасига юклансин.

Қабул қилинган чора-тадбирлар натижадорлиги тўғрисида 2019 йил 1 августда ва 1 октябрда, 2020 йил 10 январда ахборот берилсин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 17 июнь,
ПҚ-4358-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**457 2019/2020 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида***

Сўнги йилларда иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларида эҳтиёж юқори бўлган бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича олий маълумотли кадрлар тайёрлашни таъминлаш, хорижий тажрибалар асосида олий таълимнинг ўқув режа ва дастурларини ишлаб чиқиш, таълим жараёнига янги педагогик технологиялар ва ўқитиш усулларини кенг жорий этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, кадрлар буюртмачиларининг жорий ва истиқболдаги эҳтиёжларидан келиб чиқиб тармок, ҳудудий ва мақсадли инвестиция лойиҳалари портфелларини инобатга олган ҳолда битирувчиларнинг меҳнатидан самарали фойдаланиш, шунингдек олий таълим муассасаларига чет эл фуқароларини тўлов-контракт асосида ўқитиш қийматини ҳамда қўшимча қабул параметрларини мустақил белгилаш ҳуқуқини бериш зарурати юзага келмоқда.

Ёшларнинг олий таълим билан қамраб олинишини янада кенгайтириш, олий таълим муассасалари орасида соғлом рақобатни кучайтириш, давлат буюртмаси ва табақалаштирилган тўлов-контракт тизимини жорий этиш орқали олий таълим муассасаларини босқичма-босқич ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтказиш мақсадида, шунингдек 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларга мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги томонидан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Молия вазирлиги билан биргаликда вазирлик, идора, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар иштирокида 2019/2020 ўқув йилида олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш давлат буюртмаси ва иш берувчиларнинг олий таълим муассасалари битирувчиларига бўлган талаби параметрлари ишлаб чиқилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Белгилансинки, 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб:

а) олий таълим муассасаларига қабул:

олий маълумотли кадрларга талаб юқори бўлган иқтисодиёт тармоқлари ва соҳалари учун давлат буюртмаси асосида;

олий таълим муассасаларининг мавжуд қувватлари, моддий-техник базаси ҳамда профессор-ўқитувчилари таркибидан келиб чиқиб, олий таълим муассасалари томонидан бўйсунувига кўра вазирлик ва идоралар билан келишган ҳолда белгиланадиган бакалаврият таълим йўналишларига табақалаштирилган тўлов-контракт, магистратура мутахассисликларига базавий

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 19 июнда эълон қилинган.

тўлов-контракт бўйича қўшимча қабул параметрлари асосида амалга оширилади;

б) ногиронлиги бўлган шахсларга давлат буюртмаси асосида ўқишга қабул қилиш параметрларининг (кейинги ўринларда — давлат буюртмаси параметрлари) умумий сонига нисбатан қўшимча икки фоизли давлат гранти асосида ажратиладиган қабул параметрлари бўйича олий таълим муассасаларининг кундузги, сиртки ёки кечки таълим шаклларида бирида таълим олиш ҳуқуқи берилади;

в) тўлов-контракт асосида таълим олаётган барча босқич талабаларига, ўз хоҳишларига кўра контракт қийматини стипендияли ёки стипендиясиз шаклда тўлаш ҳуқуқи берилади;

г) давлат буюртмаси параметрлари доирасида олий таълим муассасаларининг сиртки ва кечки таълим шаклида ўқитишнинг тўлов-контракт қиймати тегишли бакалаврият таълим йўналиши бўйича кундузги ўқитиш шакли учун белгиланган тўлов-контракт қийматидан кўп бўлмаган миқдорда белгиланади;

д) магистр даражасига эга бўлган юқори малакали мутахассислар қатламини кенгайтириш мақсадида магистратурага қабул қилишда абитуриентларнинг қабул бўйича белгиланган турдош бакалаврият таълим йўналишлари негизидаги магистратура мутахассисликларидан ташқари бошқа магистратура мутахассисликлари (кейинги ўринларда — алоҳида мутахассисликлар) бўйича ҳам танловда иштирок этишига рухсат берилади. Бунда, алоҳида мутахассисликлар ва уларга мувофиқ бакалаврият таълим йўналишлари рўйхати Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан белгиланади;

е) олий таълим муассасалари ректорларига (филиаллар директорлари) бўйсунуви бўйича вазирлик ва идоралар билан келишган ҳолда чет эл фуқароларини тўлов-контракт асосида ўқитиш қийматини тегишли бакалаврият таълим йўналиши ва магистратура мутахассислиги бўйича Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун белгиланган базавий тўлов-контракт миқдоридан кам бўлмаган миқдорда белгилаш ҳуқуқи берилади.

3. 2019/2020 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига давлат буюртмаси асосида ўқишга қабул қилиш параметрлари:

а) бакалаврлар тайёрлаш бўйича:

кундузги таълим шаклига — 80 430 нафар этиб 1-иловага* мувофиқ;

сиртки таълим шаклига — 19 985 нафар этиб 2-иловага* мувофиқ;

кечки таълим шаклига — 1 985 нафар этиб 3-иловага* мувофиқ;

б) магистрлар тайёрлаш бўйича — 7 695 нафар этиб 4-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Маданият вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари буюртмаларига биноан 2019/2020 ўқув йилида соғлиқни сақлаш, маданият ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида олий маълумотли кадрларга эҳтиёж юқори

* 1 — 4-илвалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

бўлган ҳудудлар учун ушбу қарорга 1-иловага мувофиқ тасдиқланган давлат буюртмаси параметрларининг давлат гранти асосидаги қабул кўрсаткичлари доирасида мақсадли қабул параметрлари 5-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси (кейинги ўринларда — Давлат комиссияси) икки ҳафта муддатда Халқ таълими вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг таклифлари асосида 2019/2020 ўқув йилида халқ таълими соҳасида олий маълумотли кадрларга эҳтиёж юқори бўлган ҳудудлар бўйича ушбу қарорга 1-иловага мувофиқ тасдиқланган давлат буюртмаси параметрларининг давлат гранти асосидаги қабул кўрсаткичлари доирасида мақсадли қабул параметрларини тасдиқласин.

5. Қўйидагилар:

2019/2020 ўқув йили учун Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб, ҳарбий қисм қўмондонлигининг тавсияномаларига эга бўлганлар учун бакалавриятнинг кундузги таълим шакли бўйича алоҳида беш фоизли қабул кўрсаткичлари 6-иловага* мувофиқ;

2019/2020 ўқув йили учун Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб, ҳарбий қисм қўмондонлигининг тавсияномаларига эга бўлганлар учун бакалавриятнинг сиртқи таълим шакли бўйича алоҳида беш фоизли қабул кўрсаткичлари 7-иловага* мувофиқ;

2019/2020 ўқув йили учун Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб, ҳарбий қисм қўмондонлигининг тавсияномаларига эга бўлганлар учун бакалавриятнинг кечки таълим шакли бўйича алоҳида беш фоизли қабул кўрсаткичлари 8-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

6. Олий таълим муассасаларига 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб вазирлик, идора ва йирик хўжалик бирлашмаларининг (иш берувчилар) эҳтиёжларидан келиб чиқиб, кундузги таълим шаклининг бакалаврият таълим йўналишларига мос бўлган йўналишлар доирасида табақалаштирилган тўлов-контракт асосида сиртқи ва кечки таълим шаклида ўқитишни ташкил этиш ҳуқуқи берилсин.

Бунда, ўқишга қабул қилиш тегишли иш берувчиларнинг тавсияси асосида камида беш йил иш стажига эга бўлган ходимлар ҳисобидан кейинчалик ушбу тизимда беш йил ишлаб бериш шарти билан иш фаолиятига мос бўлган бакалаврият таълим йўналишларига суҳбат натижаларига асосан амалга оширилади.

7. 2019/2020 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси таркиби 9-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Давлат комиссиясига қўйидаги ҳуқуқлар берилсин:

зарурат бўлганда, янги бакалаврият таълим йўналишлари ва магистра-

* 5 — 9-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

тура мутахассисликларини киритиш учун давлат буюртмаси параметрларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;

иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларнинг, шу жумладан республиканинг олис ва бориш қийин бўлган туманларининг мутахассисларга бўлган эҳтиёжларини қаноатлантириш учун олий таълим муассасаларининг бакалаврият ва магистратурасига тегишли тармоқлар ва ҳудудлар бўйича мақсадли қабул параметрларини белгилаш;

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда тизимида олий таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идораларнинг таклифлари асосида олий таълим муассасаларининг нуфузи ва ҳудудий жойлашувини ҳисобга олган ҳолда базавий тўлов-контракт қийматидан келиб чиқиб табақалаштирилган тўлов-контракт минимал миқдорининг ягона кўрсаткичларини таълим соҳалари ва республика ҳудудлари бўйича белгилаш;

иш фаолиятига мос бўлган бакалаврият таълим йўналишларига суҳбат натижаларига асосан ўқишга қабул қилинадиган абитуриентларга тавсия бериш ваколатига эга бўлган вазирлик, идора ва йирик хўжалик бирлашмаларининг рўйхатини тасдиқлаш.

8. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимида олий таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идоралар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази билан биргаликда икки ҳафта муддатда 2019/2020 ўқув йилида олий таълим муассасаларига давлат буюртмаси параметрларини таълим тилларига қараб тақсимлашга оид таклифларни Давлат комиссиясига тасдиқлаш учун киритсинлар.

9. Белгилаб қўйилсинки, 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб табақалаштирилган тўлов-контракт миқдори олий таълим муассасасининг салоҳияти ва ҳудудий жойлашуви, шунингдек абитуриентларнинг олий таълимга бўлган эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда табақалаштирилган тўлов-контракт қийматининг Давлат комиссияси томонидан белгиланган минимал барава-ридан кам бўлмаган миқдорда олий таълим муассасалари томонидан мустақил белгиланади.

Бунда, табақалаштирилган тўлов-контракт бўйича қабул кириш синовлари натижасига кўра олий таълим муассасаларига давлат буюртмаси параметрлари доирасида ўқишга тавсия этилмаган абитуриентларнинг аризаларига мувофиқ уларнинг тўплаган баллари қатъий кетма-кетлигига риоя этган ҳолда амалга оширилади.

10. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги бир ой муддатда:

а) иқтисодиёт тармоқларида камида беш йил иш стажига эга бўлган фуқароларни сиртки ва кечки таълим шаклига суҳбат натижаларига кўра табақалаштирилган тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилиш тартибини ҳамда тавсия этиш ҳуқуқига эга бўлган вазирлик, идора ва йирик хўжалик бирлашмаларининг рўйхатини тасдиқлаш учун;

Молия вазирлиги билан биргаликда олий таълим муассасаларида сти-

пендияларни тайинлашнинг амалдаги механизмларини такомиллаштириш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин;

б) олий таълим муассасалари томонидан қўшимча қабул параметрларини белгилаш тартибини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

в) Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги билан биргаликда 2019/2020 ўқув йилида янги киритилаётган бакалавриат таълим йўналишлари ҳамда магистратура мутахассисликлари бўйича Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификаторига белгиланган тартибда ўзгартириш ва қўшимчалар киритсин;

г) тизимида олий таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идоралар билан биргаликда янги киритилаётган бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малакавий талаблари, ўқув режалари ҳамда фан дастурларини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

11. Белгилаб қўйилсинки, 2019/2020 ўқув йилида давлат грантлари асосида бакалавриат ва магистратурага ўқишга қабул қилинган шахсларни ўқитиш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

12. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2019 йил 1 октябрга қадар илғор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда, иқтисодиёт тармоқларида олий маълумотли кадрларга бўлган эҳтиёжни республика ҳудудлари кесимида аниқлаш тартибини ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги билан биргаликда 2020 йил 1 январга қадар халқаро ташкилотларнинг молиявий манбаларини жалб қилган ҳолда вазирлик, идора ва хўжалик бирлашмаларининг олий маълумотли мутахассисларга бўлган давлат эҳтиёжларини автоматлаштирилган тарзда йиғиш ва қайта ишлаш орқали меҳнат бозоридаги талаб ва таклифни аниқлаш ҳамда уларнинг ҳаракатини кузатиб боришни ўз ичига олувчи ягона интеграциялашган ахборот тизими яратилишини таъминласин.

14. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги кадрлар буюртмачилари билан биргаликда ҳар йили янги ўқув йили бошлангунига қадар бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг ўқув режалари ва дастурларини меҳнат бозори конъюнктурасининг жадал ўзгариб бораётган шароитларида юқори малакали кадрларнинг иш жойлари талабларига мос келувчи амалий тайёргарлигини таъминлайдиган замонавий фанларни киритиб бориш, ишлаб чиқариш ва реал иқтисодиёт тармоқларида инновацион ҳамда илм-фанга асосланган технологияларни татбиқ қилишни ҳисобга олган ҳолда қайта кўриб чиқиш юзасидан тегишли ишларни амалга оширсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

16. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 17 июнь,
ПҚ-4359-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**

458 Кичик саноат зоналари фаолиятини мувофиқлаштириш ва бошқаришни янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида*

Янги рақобатбардош ишлаб чиқаришлар ва кичик корхоналарнинг ривожлантирилишини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича узлуксиз равишда амалга оширилаётган чора-тадбирлар доирасида 150 та кичик саноат зоналари ташкил қилинган бўлиб, уларнинг ҳудудида ҳар йили жами 1,7 трлн сўмдан ортиқ қийматдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳажмига эга бўлган 1 691 та кичик корхона фаолият юритади ва 27 мингдан зиёд иш ўринлари яратилди.

Кичик саноат зоналари фаолиятини мувофиқлаштириш ва бошқариш тизимини янада такомиллаштириш, уларнинг иштирокчилари учун фаолият юритиш шароитларини сифат жиҳатидан яхшилаш ва маҳсулотларни сотишга қўмаклашиш, инвестициялар жалб қилинишини фаоллаштириш, аваламбор фойдаланилмаётган, фаолият юритмаётган ишлаб чиқариш майдонлари негизида ташкил қилинаётган импортбоп маҳсулотларни чиқариш бўйича замонавий ишлаб чиқаришларнинг жорий этилишини жадаллаштириш, ушбу асосда янги турғун иш жойлари ташкил этилишини таъминлаш ва аҳоли даромадини ошириш мақсадида:

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 21 июнда эълон қилинган.

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳамда Давлат активларини бошқариш агентлигининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида давлат муассасаси шаклидаги кичик саноат зоналарини бошқариш бўйича ягона дирекцияларни (кейинги ўринларда — дирекциялар) ҳар бир кичик саноат зонасига дирекцияларнинг масъул ходимларини бириктирган ҳолда ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари бир ой муддатда янги ташкил қилинаётган дирекцияларнинг рўйхатдан ўтказилишини таъминласин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 январдаги «Иқтисодий ривожланиш соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–5621-сон Фармони билан кичик саноат зоналари иштирокчиларига қўйидаги ҳуқуқлар берилганлиги маълумот учун қабул қилинсин:

ўз маблағлари ҳисобида қурилган бинолар ва иншоотлар (ёки уларнинг қисмлари)га мулк ҳуқуқини белгиланган тартибда расмийлаштириш;

реконструкция қилиш ёки капитал таъмирлашни ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширган тақдирда, бироқ кичик саноат зонаси иштирокчиси мақомини олган кундан бошлаб камида 3 йил муддат ўтгандан кейин, бинолар ва иншоотлар (ёки уларнинг қисмлари)ни хусусийлаштириш;

инвестиция ва бошқа ижтимоий мажбуриятларни тўлиқ бажарган тақдирда, бироқ кичик саноат зонаси иштирокчиси мақомини олган даврдан бошлаб камида 5 йил муддат ўтгандан кейин, ўзларига берилган бинолар ва иншоотлар (ёки уларнинг қисмлари)ни хусусийлаштириш.

3. Белгилаб қўйилсинки:

а) кичик саноат зоналари фақатгина транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси мавжуд ёки ўтказиш осон бўлган фаолият юритмаётган корхоналар негизида ва қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган бўш ер майдонларида ташкил қилинади;

б) ер участкаларини бериш, кичик саноат зоналари ҳудудида амалга ошириш учун инвестиция лойиҳаларини танлаш ва жойлаштириш тўғрисидаги қарорлар туман (шаҳар) ҳокимининг ер участкасини бериш тўғрисидаги алоҳида қарорини қабул қилмаган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналарининг маъмурий кенгашлари (кейинги ўринларда — маъмурий кенгашлар) баённомалари шаклида расмийлаштирилади;

в) кичик саноат зонаси иштирокчиси томонидан инвестиция лойиҳасини кичик саноат зонасида жойлаштирилган кундан эътиборан уч ой мобайнида амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар кўрилмаганлиги, шунингдек объектдан шартномада кўрсатилган мақсадга номувофик фойдаланилганлиги шартноманинг бир томонлама тартибда бекор қилинишига асос бўлади;

г) кичик саноат зонаси иштирокчиси томонидан инвестиция лойиҳасини амалга ошириш объектив сабабларга кўра шартномада кўрсатилган муддатларда яқунланмаган бўлса ёки охириги 6 ой мобайнида ишлаб чиқа-

риш фаолияти амалга оширилмаган бўлса, маъмурий кенгаш унга лойиҳа амалга оширилишини тезлаштириш бўйича «йўл харитаси»ни тасдиқлаган ҳолда қўшимча муддат тақдим этилиши ёхуд шартнома бекор қилиниши тўғрисидаги масалани кўриб чиқиши мумкин;

д) бинолар ва иншоотлар (ёки уларнинг қисмлари)ни хусусийлаштириш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

ўз маблағлари ҳисобига реконструкция қилиш ёки капитал таъмирлаш ишлари олиб борилган бинолар ва иншоотлар (ёки уларнинг қисмлари)да, бироқ кичик саноат зонаси иштирокчиси мақомини олган кундан бошлаб камида 3 йил муддат ўтгандан кейин — реконструкция қилиш ёки капитал таъмирлаш ишларининг харажатлари чегириб ташланган ҳолда белгиланган тартибда аниқланадиган баҳолаш қиймати бўйича;

инвестиция ва бошқа ижтимоий мажбуриятларни тўлиқ бажарган тақдирда (иштирокчининг шахсий маблағлари ҳисобига реконструкция қилиш ёки капитал таъмирлаш ишлари олиб бормаган ҳолда), бироқ кичик саноат зонаси иштирокчиси мақомини олган кундан бошлаб камида 5 йил муддат ўтгандан кейин — беш йил мобайнида тенг улушларда тўловларни киритиш ҳуқуқи берилган ҳолда белгиланган тартибда аниқланадиган баҳолаш қиймати бўйича.

4. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги:

а) маъмурий кенгашлар ва дирекциялар билан биргаликда уч ой муддатда: республиканинг барча ҳудудларидаги кичик саноат зоналарини инвентаризация қилиш ва уларнинг фаолиятини ўрганиш ҳамда натижаси бўйича уларнинг ҳар бири кейинчалик фаолият юритиши мақсадга мувофиқлиги ҳақида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритилишини;

кичик саноат зоналари иштирокчилари билан тузилган бинолар ва иншоотларнинг ижараси тўғрисидаги шартномаларни, зарур ҳолларда, белгиланган тартибда фойдаланилмаётган ва мақсадга номувофиқ фойдаланилаётган бинолар ва иншоотларни қайтариш чора-тадбирларини кўрган ҳолда ёки қўшимча лойиҳаларни жойлаштириш ҳисобига улардан оқилона фойдаланиш бўйича «йўл хариталари»ни ишлаб чиққан ҳолда қайта кўриб чиқилишини;

белгиланган муддатларда инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши бошланишини таъминламаган кичик саноат зоналари иштирокчилари билан инвестициялаш тўғрисидаги битимларнинг бекор қилинишини;

ишлаб чиқаришнинг қисқа муддатларда фойдаланишга топширилишини кўзда тутган ҳолда орқада қолаётган лойиҳалар бўйича тармоқ жадвалларининг ишлаб чиқилишини таъминласин;

б) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда икки ҳафта муддатда ижтимоий-иқтисодий ривожланиши орқада қолаётган туманлар ва шаҳарларда ҳудуднинг салоҳияти, рақобатдаги устувор йўналишлари, табиий ва меҳнат ресурсларидан келиб чиқиб, уларнинг ихтисослашувини белгилаган ҳолда янги кичик саноат зоналарини ташкил қилиш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

в) Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Транспорт вазирлиги, Энергетика вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда уч ой муддатда янги ташкил қилинаётган кичик саноат зоналари ҳудудларида талаб юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини йўлга қўйиш учун зарур шарт-шароитлар яратилишини назарда тутган ҳолда ҳудудлар кесимида транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантириш бўйича «йўл харитаси»ни тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

г) оммавий ахборот воситалари, шу жумладан электрон ва интернет нашрларини жалб қилган ҳолда мамлакатнинг кичик саноат зоналари, инвестиция киритишнинг афзалликлари ва яратилаётган имтиёзли шароитлар, кичик саноат зоналари ҳудудларидаги мавжуд бўлган инфратузилма, таклиф қилинаётган хизматлар, шунингдек амалга оширилиши тавсия этилаётган инвестиция лойиҳалари тўғрисидаги батафсил маълумотларнинг доимий асосда нашр этилишини ташкил этсин.

5. Белгилаб қўйилсинки:

маъмурий кенгашлар котибининг кичик саноат зоналари фаолиятини бошқариш ва мувофиқлаштиришга оид функциялари Қорақалпоғистон Республикаси иқтисодиёт ва саноат вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳар иқтисодиёт ва саноат бош бошқармалари бошлиқлари зиммасига юклатилади;

дирекциялар директорларини лавозимга тайинлаш ва лавозимидан озод этиш маъмурий кенгашлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги билан келишилган ҳолда амалга оширилади;

кичик саноат зоналарининг архитектура-режалаштириш ҳужжатларини ишлаб чиқиш, шу жумладан ер участкаларини танлаш ва ажратиш бўйича материалларни тайёрлаш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан Қорақалпоғистон Республикасининг бюджети ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари маблағлари ҳисобига лойиҳа ташкилотларини жалб қилган ҳолда таъминланади;

дирекциялар кичик саноат зоналари ҳудудларининг архитектура-режалаштириш лойиҳаларини ишлаб чиқиш бўйича буюртмачилар бўлиб қатнашишга ҳақли.

6. Кичик саноат зоналари дирекциялари 2022 йил 1 июлга қадар ер солиғи ва мол-мулк солиғи тўлашдан озод этилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда кичик саноат зоналари ҳудудларида амалга оширилаётган инвестиция лойиҳаларини мониторинг қилишнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг

тегишли маҳаллий бюджетлари маблағлари ҳисобига кичик саноат зоналарининг бўлиниш чегарасигача зарурий ташқи муҳандислик коммуникациялари ва инфратузилмасининг кичик саноат зоналарида тадбиркорлик субъектларини жойлаштиришга оид ишлаб чиқилган лойиҳаларга биноан қурилишини ва модернизация қилинишини таъминласин.

9. Қуйидагиларга:

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — молия вазири Ж.А. Қўчқоровга — ушбу қарор билан қўйилган вазифаларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш доирасида вазирлик ва идоралар фаолиятини самарали мувофиқлаштириш учун;

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва саноат вазири Б.А. Ходжаевга — маъмурий кенгашлар томонидан кичик саноат зоналари ҳудудида ишлаб чиқаришларни жойлаштиришга инвестиция талабномаларининг ўз вақтида кўриб чиқилиши ҳамда улар бўйича қарорлар қабул қилиниши, шунингдек кичик саноат зоналарининг салоҳиятидан самарали фойдаланилиши, лойиҳаларнинг ўз вақтида амалга оширилиши ва жорий этилиши учун;

Ўзбекистон Республикаси энергетика вазири А.С. Султановга, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларига — қурилишнинг ўз вақтида тугатилиши, модернизация ва кичик саноат зоналари иштирокчиларини ташқи муҳандислик коммуникациялари ва инфратузилмага уланиши, уларнинг объектлари реал ишлаб чиқариш эҳтиёжларига мувофиқ электр энергияси ва табиий газ билан узлуксиз таъминланиши учун шахсий жавобгарлик юклатилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги икки ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига:

ушбу қарор талабларини ҳисобга олган ҳолда Кичик саноат зоналари тўғрисида янгиланган низом лойиҳасини;

конун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифларни киритсин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — молия вазири Ж.А. Қўчқоров ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг ўринбосари Г.К. Саидова зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 21 июнь,
ПҚ-4363-сон

БЕШИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ****459 Пенсия ишларини расмийлаштириш ва юритиш тартиби ҳамда пенсия ҳужжатларининг шакллари ва уларни тўлдириш қоидалари тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
17 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2282-6*

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси ва Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2011 йил 14 октябрдаги 63-сон буйруғи (рўйхат рақами 2282, 2011 йил 17 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 45-46-сон, 483-модда) билан тасдиқланган Пенсия ишларини расмийлаштириш ва юритиш тартиби ҳамда пенсия ҳужжатларининг шакллари ва уларни тўлдириш қоидалари тўғрисидаги йўриқномага иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Д. КУЧКАРОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 29 май,
67-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 17 июнда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг 2019 йил 29 майдаги
67-сон буйруғига
ИЛОВА

**Пенсия ишларини расмийлаштириш ва юритиш тартиби
ҳамда пенсия ҳужжатларининг шакллари ва уларни тўлдириш
қоидалари тўғрисидаги йўриқномага киритилаётган
ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 1-банднинг иккинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Якка тартибдаги тадбиркор (чет элда ёлланган ҳолда ишловчи шахс, деҳқон хўжалиги аъзоси, оилавий тадбиркорлик субъекти оиласи аъзоси учун, шунингдек якка тартибдаги тадбиркор томонидан меҳнат шартномаси бўйича ёлланган ходимлар учун) томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ягона ижтимоий тўлов (2019 йил 1 январга қадар бўлган давр учун — суғурта бадаллари) тўланганлигини тасдиқловчи маълумотнома унинг яшаш жойи бўйича Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ хизмати органлари томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида берилади.»

2. 11-банднинг биринчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«11. Инспектор аризачи ёки ташкилот вакилига тақдим этилган ҳужжатларнинг (меҳнат дафтарчаси, архив маълумотлари, ташкилот томонидан тақдим этилган маълумотномалар, якка тартибдаги тадбиркор (чет элда ёлланган ҳолда ишловчи шахс, деҳқон хўжалиги аъзоси, оилавий тадбиркорлик субъекти оиласи аъзоси учун, шунингдек якка тартибдаги тадбиркор томонидан меҳнат шартномаси бўйича ёлланган ходимлар учун) томонидан 2019 йил 1 январга қадар бўлган давр учун суғурта бадаллари, 2019 йил 1 январдан кейинги давр учун эса ягона ижтимоий тўлов тўланганлигини тасдиқловчи маълумотномалар ва солиқ агенти ҳисобланмайдиган иш берувчидан даромад олувчи ходимнинг жами йиллик даромад тўғрисидаги декларацияларидан ташқари) асл нусхаларни қайтаради ва унга аризанинг тегишли қисмини қирқиб олган ҳолда, ҳужжатлар қабул қилинганлиги тўғрисида тилхат беради, бунда тилхат нусхаси тақдим этилган ҳужжатлар билан биргаликда Пенсия жамғармаси бўлимида сақланади. Меҳнат дафтарчасининг асл нусхаси Пенсия жамғармаси бўлимининг пенсия тайинлаш комиссияси (кейинги ўринларда — комиссия деб юритилади) томонидан пенсия, ижтимоий нафақа ва бошқа тўловларни тайинлаш ёки тайинлашни рад этиш тўғрисидаги қарори қабул қилингандан сўнг аризачига қайтарилиши шарт.»

3. 13-бандда:

а) биринчи хатбоши қўйидаги мазмундаги жумла билан тўлдирилсин: «Барча маълумотлар киритилгандан сўнг, компьютер базаси орқали пенсия ишига рақам берилади ҳамда пенсия йиғмажилдига ушбу рақам қайд этилади.»;

б) иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Инспектор ариза берувчининг солиқ тўловчининг идентификация рақами ва шахсий жамғарилиб борадиган пенсия ҳисобварағига асосан Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Акциядорлик-тижорат Халқ банки билан ахборот алмашинуви бўйича ўзаро ҳамкорлик, шу жумладан ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда, ариза берувчининг иш стажы, иш ҳақи ва 2019 йил 1 январга қадар бўлган давр учун ҳисобланган суғурта бадалларини, 2019 йил 1 январдан кейинги давр учун эса меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар суммасини ўзаро солиштиradi.».

4. 18-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«18. Текшириш тасдиқловчи ҳужжатларни берган ташкилотда ёки архивда амалга оширилади. Текшириш натижалари бўйича икки нусхада далолатнома тузилади, у текширувчининг ва ташкилот ёки архив мансабдор шахсининг имзоси, шунингдек ташкилот (тадбиркорлик субъектларидан ташқари) ёки архивнинг муҳри билан тасдиқланади. Далолатноманинг бир нусхаси ташкилот ёки архивда, иккинчи нусхаси Пенсия жамғармаси бўлимида қолади. Далолатномада тасдиқловчи ҳужжатларнинг ким томонидан берилганлиги ва текшириш вақтида ҳужжатларнинг жойлашган жойи тўғрисидаги маълумот мажбурий тартибда кўрсатилади.».

5. 22-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«22. Тўлов ҳужжатлари расмийлаштирилгандан сўнг пенсия йиғмажилди инспекторга қайтарилади, инспектор ўз навбатида пенсия йиғмажилдини Пенсия жамғармаси архивида сақлаш учун архивариусга топширади.».

6. 30²-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

7. 35-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«35. Текшириш ташкилот ёки архив вакили иштирокида ўтказилиши лозим, бунда текшириш натижаси бўйича далолатнома Пенсия жамғармаси бўлими ходими, ташкилот ёки архив вакили томонидан имзоланади, шундан сўнг ташкилот (тадбиркорлик субъектларидан ташқари) ёки архив муҳри билан тасдиқланади.».

8. 44 ва 45-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«44. Пенсия, ижтимоий нафақа ва бошқа тўловлар тўлови амалга оширилган муддат пенсионер (нафақа олувчи)нинг пенсия йиғмажилдига кирилади.».

45. Пенсия йиғмажилдини ҳисобдан чиқариш аввалги яшаш жойи бўйича Пенсия жамғармаси бўлими пенсия ва нафақалар тўлови мониторинги гуруҳи томонидан расмийлаштирилади. Бу ҳақдаги тегишли ёзув пенсия йиғмажилди, шунингдек мазкур Йўриқноманинг 28-иловасига мувофиқ, пенсионер (нафақа олувчи) яшаш манзили ўзгарганлиги муносабати билан пенсия йиғмажилдини ҳисобдан чиқаришни рўйхатга олиш китобига кирилади.».

9. 49-банднинг учинчи хатбошисидан «ва шахсий ҳисобварақ» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

10. 1-иловадан 12-позиция чиқариб ташлансин.

11. 2-илованинг Аризага илова қилинган ҳужжатлар рўйхатидан 4-позиция чиқариб ташлансин.

12. 3-илованинг Аризаларга илова қилинган ҳужжатлар рўйхатидан 5 ва 6-позициялар чиқариб ташлансин.

13. 4-илованинг Аризаларга илова қилинган ҳужжатлар рўйхатидан 4-позиция чиқариб ташлансин.

14. 11-иловада:

а) «Ёшга доир пенсия тайинлаш бўйича йиғмажилдларда» бўлимнинг 9-позициясидан «МФЙдан маълумотнома,» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

б) «Ногиронлик пенсиясини тайинлаш йиғмажилдида» бўлимнинг 10-позициясидан «МФЙдан маълумотнома,» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

в) «Боқувчисини йўқотганлик пенсиясини тайинлаш йиғмажилдида» бўлимнинг 6-позицияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

« 6. Ўлим тўғрисида гувоҳнома нусхаси ».

15. 12-иловада:

а) «Ёшга доир нафақа тайинлаш бўйича йиғмажилдда» бўлимнинг 4-позициясидан «МФЙдан маълумотнома,» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

б) қуйидаги мазмундаги 5 ва 6-позициялар билан тўлдирилсин:

5.	Болалиқдан ногиронлиги бўлган фарзанднинг туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома нусхаси
6.	Фарзанди болалиқдан ногирон деб эътироф этилганлиги тўғрисида ҳужжат

»;

в) «Ногиронлик нафақаси тайинлаш бўйича йиғмажилдда» бўлимнинг 5-позициясидан «МФЙдан маълумотнома,» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

г) «Боқувчисини йўқотганлик нафақаси тайинлаш бўйича йиғмажилдда» бўлимнинг 3-позицияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

« 3. Ўлим тўғрисида гувоҳнома нусхаси ».

16. 23-илова ўз кучини йўқотган деб топилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ ТЕСТ
МАРКАЗИ ДИРЕКТОРИНИНГ
БУЙРУҒИ

460 «Корпоратив бошқарув илмий-таълим маркази магистратурасига кириш тест синовларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
17 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2812-1*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 сентябрдаги ПҚ–3930-сон «Корпоратив, лойиҳа бошқаруви ва давлат харидлари соҳасида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан **бююраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази директорининг 2016 йил 4 июлдаги 01-215-сон «Корпоратив бошқарув илмий-таълим маркази магистратурасига кириш тест синовларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2812, 2016 йил 14 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 28-сон, 345-модда) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги қошидаги Абу Райҳон Беруний номидаги Бизнес ва бошқарув республика олий мактаби билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Давлат тест
маркази директори**

М. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 29 май,
01-263-сон

Келишилди:

**Бизнес ва бошқарув республика
олий мактаби директори**

Р. АБДУРАУПОВ

2019 йил 29 май

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 17 июнда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

461 «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 ноябрдаги ПФ–5245-сон «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»-ги Фармони бўйича пенсияларни қайта ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топилган тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 19 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2963-1

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 октябрдаги ПФ–5553-сон «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2017 йил 29 декабрдаги 191-сон «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 ноябрдаги ПФ–5245-сон «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони бўйича пенсияларни қайта ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2963, 2018 йил 12 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2018 й., 2-сон, 43-модда) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Д. КУЧКАРОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 12 июнь,
71-сон

Келишилган:

*Бандлик ва меҳнат
муносабатлари вазири*

Ш. КУДБИЕВ

2019 йил 12 июнь

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 19 июнда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРИНИНГ
БҲЙРУҒИ

462 Муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни маъмурий жавобгарликдан озод этиш ва паспортни расмийлаштиришда давлат божини қоплаш учун тегишли хужжатларни расмийлаштириш ҳамда судларга ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига такдим этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
19 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3168*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 26 апрелдаги 309-сон «Ички ишлар органларининг муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни реабилитация қилиш марказлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни маъмурий жавобгарликдан озод этиш ва паспортни расмийлаштиришда давлат божини қоплаш учун тегишли хужжатларни расмийлаштириш ҳамда судларга ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига такдим этиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

П. БОБОЖОНОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 2 май,
71-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 19 июнда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
ички ишлар вазирининг 2019 йил
2 майдаги 71-сон буйруғига
ИЛОВА

**Муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни маъмурий
жавобгарликдан озод этиш ва паспортни расмийлаштиришда
давлат божини қоплаш учун тегишли хужжатларни
расмийлаштириш ҳамда судларга ва маҳаллий ижро этувчи
ҳокимият органларига тақдим этиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 26 апрелдаги 309-сон «Ички ишлар органларининг муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни реабилитация қилиш марказлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига асосан муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни маъмурий жавобгарликдан озод этиш, паспорт ва яшаш гувоҳномасини расмийлаштиришда давлат божини қоплаш учун тегишли хужжатларни расмийлаштириш ҳамда судларга ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига тақдим этиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:
реабилитация маркази — муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни уларнинг шахси аниқлангунгача маъмурий суднинг ажрими асосида ўттиз суткадан кўп бўлмаган муддатга сақлаб туриш ва реабилитация қилиш учун мўлжалланган ички ишлар органлари тизимидаги давлат муассасаси;
муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахс — шахсини тасдиқловчи хужжати, шунингдек, бирон-бир манзилда вақтинча ёки доимий пропискаси бўлмаган ёхуд яшаш жойи бўйича ҳисобда турмаган, ғайриижтимоий хулқ-атворли, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган 18 ёшдан ошган шахс;

реабилитация қилиш — муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларга ҳуқуқий, ижтимоий, психологик, тиббий ва бошқа турдаги ёрдам кўрсатиш, шунингдек, уларга жамиятда қабул қилинган хулқ-атвор нормалари ва қоидаларини сингдиришга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи.

2. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 21 ва 308¹-моддаларига асосан ички ишлар органларининг Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмалари муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни маъмурий жавобгарликдан озод қилиш тўғрисида тақдимнома билан судга мурожаат қилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 26 апрелдаги 309-сон қарори билан тасдиқланган Ички ишлар органларининг муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни реабилитация қилиш марказлари

тўғрисидаги низомга асосан муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларнинг паспорт ёки яшаш гувоҳномасини расмийлаштириши учун давлат божлари туман (шаҳар) ички ишлар органлари миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимларининг (бундан буён матнда МваФРБ деб юритилади) талабномасига асосан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджет маблағлари ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан қопланади.

2-боб. Паспорт ёки яшаш гувоҳномасини расмийлаштиришда муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига мансублигини аниқлаш

4. Муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига мансублиги МваФРБ томонидан аниқланади.

5. Муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларнинг аризасига кўра, уларнинг МваФРБларда паспорт ёки яшаш гувоҳномасини расмийлаштиришлари учун реабилитация марказлари томонидан мазкур Низомнинг 1-иловасига мувофиқ шахсини тасдиқловчи вақтинчалик маълумотнома берилади.

6. Муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахслар реабилитация марказидан олган шахсини тасдиқловчи вақтинчалик маълумотнома билан туман (шаҳар) ички ишлар органларига мурожаат этади. Бунда шахсини тасдиқловчи вақтинчалик маълумотнома туман (шаҳар) ички ишлар органи девонхонасидан (котибиятидан) рўйхатдан ўтказилади ва тегишли ички ишлар органи бошлиғи томонидан МваФРБга берилади.

7. МваФРБ масъул ходими муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсининг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига мансублиги унинг туғилган вақти ва жойи, қаерда яшаганлиги, туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома ёки шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги, ота-онаси, турмуш ўртоғи, фарзандлари ва бошқа яқин қариндошлари, аввалги доимий прописка қилинган манзили ҳақидаги маълумотларни аниқлаш орқали ўрганиб чиқади.

Ўрганиш натижаларига кўра, Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига мансублиги ёки мансуб эмаслиги юзасидан тегишли хулоса чиқарилади ва ушбу хулоса тегишли туман (шаҳар) ички ишлар органининг бошлиғи ёки унинг ўринбосари томонидан тасдиқланади.

8. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик паспорти билан аввал ҳужжатлаштирилган, аммо уни йўқотиб қўйган ва доимий пропискиси бўлмаган (суд қарори билан доимий пропискадан чиқариб юборилган ва (ёки) доимий пропискага қўйишга асослари мавжуд бўлмаган) муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни турган жойи бўйича ҳисобга олиш истисно тариқасида, вақтинча ҳудудий реабилитация марказлари жойлашган манзилда амалга оширилади ва Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик паспорти қайта расмийлаштирилади.

9. Ўзбекистон Республикаси ёки бошқа давлат фуқаролигига мансуб-

лиги аниқланмаган ҳолларда МваФРБ муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсга унинг шахсини тасдиқловчи вақтинчалик маълумотномани беради, шунингдек туман (шаҳар) ҳокимликлари билан биргаликда доимий пропискани расмийлаштириш ҳамда яшаш гувоҳномасини ҳужжатлаштириш чораларини кўради.

10. Муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахс Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига мансуб деб топилганда, ушбу шахсга доимий пропискада турган манзилидаги ички ишлар органи томонидан Ўзбекистон Республикаси фуқаролик паспорти расмийлаштириб берилади.

11. Муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларга паспорт ёки яшаш гувоҳномаси реабилитация маркази томонидан берилган шахсини тасдиқловчи вақтинчалик маълумотномага асосан расмийлаштириб берилган бўлса, уларга шахсини тасдиқловчи вақтинчалик маълумотнома такроран берилмайди.

Бунда, муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 5 январдаги ПФ-4262-сон Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида паспорт тизими тўғрисидаги низомда белгиланган тартибда умумий асосларда ҳужжатлаштириладилар.

12. МваФРБ томонидан муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни ҳужжатлаштириш юзасидан амалга оширилган ишлар бўйича ҳар ойнинг якунида тегишли ҳудуддаги реабилитация марказларига маълумот юборилади.

3-боб. Паспорт ёки яшаш гувоҳномасини расмийлаштиришда муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни маъмурий жавобгарликдан озод қилиш

13. МваФРБ уч сутка ичида туман (шаҳар) маъмурий судига паспорт ёки яшаш гувоҳномасини расмийлаштиришда муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни маъмурий жавобгарликдан озод қилиш тўғрисида мазкур Низомнинг 2-иловасига мувофиқ тақдимнома билан судга мурожаат қилади.

Тақдимномада муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахснинг маъмурий жавобгарликдан озод қилиниши сабаблари ва асослари кўрсатилиши лозим.

14. Туман (шаҳар) маъмурий суди муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсга паспорт ёки яшаш гувоҳномасини расмийлаштиришда уни маъмурий жавобгарликдан озод қилиш тўғрисидаги тақдимномани кўриб чиқади ва қўйидаги қарорлардан бирини қабул қилади:

тақдимномани қаноатлантириш ва муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсга паспорт ёки яшаш гувоҳномасини расмийлаштиришда уни маъмурий жавобгарликдан озод қилиш тўғрисида;

тақдимномани қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида.

15. Туман (шаҳар) маъмурий суди томонидан тақдимнома қаноатлантирилганда муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахс жаримадан озод этил-

ган ҳолда унга МваФРБ томонидан паспорт ёки яшаш гувоҳномаси расмийлаштириб берилади.

Тақдимномани рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган ҳолларда рад этиш сабаблари ва манфаатдор томонга чиқарилган суд қарори устидан шикоят қилиш ҳуқуқлари тушунтирилади.

16. Муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсга паспорт ёки яшаш гувоҳномасини расмийлаштиришда уни маъмурий жавобгарликдан озод қилиш тўғрисидаги тақдимномани кўриб чиқиш натижаси бўйича чиқарилган қарор устидан шикоят берилиши мумкин.

4-боб. Муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларга паспорт ёки яшаш гувоҳномасини расмийлаштириш учун давлат божларини қоплаш тартиби

17. Муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларга паспорт ёки яшаш гувоҳномасини расмийлаштириш учун давлат божларини қоплаш тўғрисида МваФРБ томонидан тегишли туман (шаҳар) ҳокимликларига мазкур Низомнинг 3-иловасига мувофиқ талабнома киритилади.

18. Талабномага реабилитация марказидан муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсга берилган шахсини тасдиқловчи вақтинчалик маълумотнома ҳамда суднинг қарори нусхалари илова қилинади.

19. Тегишли туман (шаҳар) ҳокимликлари томонидан муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсга паспорт ёки яшаш гувоҳномасини расмийлаштириш учун давлат божлари қоплангандан сўнг, уларнинг биографик маълумотлари ва биометрик параметрлари жамланади ва ушбу маълумотлар МваФРБ томонидан белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш марказига юборилади.

5-боб. Яқуний қоидалар

20. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

21. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Олий суди билан келишилган.

Олий суд раиси

К. КАМИЛОВ

2019 йил 1 май

Муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни маъмурий жавобгарликдан озод этиш ва паспортни расмийлаштиришда давлат бојини қоплаш учун тегишли ҳужжатларни расмийлаштириш ҳамда судларга ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

Реабилитация
марказининг
штампи

_____ туман (шаҳар)
ички ишлар органи бошлиғига

20 ____ йил « ____ »
_____ -сон

ШАХСИНИ ТАСДИҚЛОВЧИ ВАҚТИНЧАЛИК

МА Ё Л У М О Т Н О М А

Фуқаро _____
(тузилган вақти ва жойи)

_____ нинг
(Ф.И.О.)

20 ____ йил « ____ » _____ да _____ туман (шаҳар) ИИБ томонидан
берилган _____ - рақамли _____
(паспорт ёки яшаш гувоҳномаси)

йўқолганлиги маълум бўлди. Шу сабабли, ушбу фуқарога Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 26 апрелдаги 309-сон «Ички ишлар органларининг муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни реабилитация қилиш марказлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ _____ расмийлаштириб беришингиз сўралади.
(паспорт ёки яшаш гувоҳномаси)

Амал қилиш муддати « ____ » _____ 20 ____ й.

Реабилитация маркази бошлиғи _____
(Ф.И.О.)

Расм
учун
жой

Муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни маъмурий жавобгарликдан озод этиш ва паспортни расмийлаштиришда давлат божини қоплаш учун тегишли ҳужжатларни расмийлаштириш ҳамда судларга ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

_____ туман (шаҳар)
маъмурий ишлар бўйича судига

**Паспорт ёки яшаш гувоҳномасини расмийлаштиришда
шахсни маъмурий жавобгарликдан озод қилиш тўғрисида
ТАҚДИМНОМА**

Фуқаро _____ га
(муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахснинг Ф.И.О.)

_____ расмийлаштиришда уни Ўзбекистон
(паспорт ёки яшаш гувоҳномаси)

Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 21 ва 308¹-моддалари асосида маъмурий жавобгарликдан озод қилиниши мақсадга мувофиқ.

**Миграция ва фуқароликни
расмийлаштириш
бўлинмаси раҳбари**

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.О.)

Муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни маъмурий жавобгарликдан озод этиш ва паспортни расмийлаштиришда давлат божини қоплаш учун тегишли хужжатларни расмийлаштириш ҳамда судларга ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомга
З-ИЛОВА

_____ туман (шаҳар) ҳокимлигига

**Паспорт ёки яшаш гувоҳномасини расмийлаштириш учун
давлат божларини қоплаш тўғрисида
ТАЛАБНОМА**

Фуқаро _____ га
(муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахснинг Ф.И.О.)

_____ расмийлаштиришда Ўзбекистон
(паспорти ёки яшаш гувоҳномаси)

Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 26 апрелдаги 309-сон «Ички ишлар органларининг муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни реабилитация қилиш марказлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига асосан давлат божлари учун _____ сўмни қоплаб беришингиз сўралади (*ҳисоб рақами:* _____)

**Миграция ва фуқароликни
расмийлаштириш
бўлинмаси раҳбари**

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.О.)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

463 Хорижий давлатлар автотранспорт воситаларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кирганлиги ҳамда транзит ўтиши учун йиғимларни ундириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 20 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2694-3

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги ПҚ-4086-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020-2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўғрисида»ги ҳамда 2019 йил 5 февралдаги ПҚ-4160-сон «Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг «Бизнес юритиш» йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини яхшилашга доир қўшимча чоратадбирлар тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви ва Давлат божхона қўмитаси **қарор қилди:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви ва Давлат божхона қўмитасининг 2015 йил 12 июндаги 335-В, 02-02/12-26-сон қарори (рўйхат рақами 2694, 2015 йил 9 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 27-сон, 365-модда) билан тасдиқланган Хорижий давлатлар автотранспорт воситаларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кирганлиги ҳамда транзит ўтиши учун йиғимларни ундириш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 10 июнь,
335-В-3-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 20 июнда эълон қилинган.

**Давлат божхона
қўмитаси раиси**

М. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 10 июнь,
01-02/12-22-сон

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқаруви ва Давлат
божхона қўмитасининг 2019 йил 10 июндаги
335-В-3-сон, 01-02/12-22-сон қарорига
ИЛОВА

**Хорижий давлатлар автотранспорт воситаларининг
Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кирганлиги ҳамда
транзит ўтиши учун йиғимларни ундириш тартиби
тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 6-банддаги «муҳр ва штамплар ҳамда бланкалар» деган сўзлар «штамп ва бланкалар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.
2. 23-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:
«23. Йиғимлардан тушган маблағлар (бундан буён матнда маблағлар деб юритилади) тижорат банклари томонидан Ўзбекистон Республикаси республика бюджетининг ғазна ҳисобварағига ўтказилади.».
3. 25-банддаги «Жамғарманинг» деган сўз «Ўзбекистон Республикаси республика бюджетининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.
4. 28-банддаги «, Давлат божхона қўмитаси ва Жамғармага» деган сўзлар «ва Давлат божхона қўмитасига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

464 Кредит бюролари ва кредит бюроларига кредит ахборотини тақдим этувчи органлар ва ташкилотлар ўртасида кредит ахбороти алмашинуви тартиби тўғрисидаги низомнинг 5-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
20 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2330-1*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2012 йил 14 январдаги 1/1-сон қарори (рўйхат рақами 2330, 2012 йил 2 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 8-9-сон, 90-модда) билан тасдиқланган Кредит бюролари ва кредит бюроларига кредит ахборотини тақдим этувчи органлар ва ташкилотлар ўртасида кредит ахбороти алмашинуви тартиби тўғрисидаги низомнинг 5-бандидаги «Кредит бюроларининг техник ва дастурий воситаларига ахборот хавфсизлиги ва муҳофазасини таъминлаш бўйича қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 2318, 2012 йил 23 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 3-4-сон, 35-модда)» деган сўзлар «Кредит бюроларини рўйхатга олиш ва уларнинг фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 3042, 2018 йил 25 июль)» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 8 июнь,
13/6-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 20 июнда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

465 Кредит бюрolari, кредит ахборотидан фойдаланувчилар ва кредит ахборотини етказиб берувчилар ўртасида кредит ахбороти алмашинуви ҳамда кредит ҳисоботларини тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 2-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
20 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2331-1*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2012 йил 14 январдаги 1/2-сон қарори (рўйхат рақами 2331, 2012 йил 2 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 8-9-сон, 91-модда) билан тасдиқланган Кредит бюрolari, кредит ахборотидан фойдаланувчилар ва кредит ахборотини етказиб берувчилар ўртасида кредит ахбороти алмашинуви ҳамда кредит ҳисоботларини тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 2-бандидаги «Кредит бюрolarининг техник ва дастурий воситаларига ахборот хавфсизлиги ва муҳофазасини таъминлаш бўйича қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 2318, 2012 йил 23 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 3-4-сон, 35-модда)» деган сўзлар «Кредит бюрolarини рўйхатга олиш ва уларнинг фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 3042, 2018 йил 25 июль)» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 8 июнь,
13/7-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 20 июнда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

466 Кредит ташкилотлари томонидан Кредит ахборотининг давлат реестрига ва кредит бюроларига кредит ахборотини тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 4-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
20 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2332-3*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2012 йил 14 январдаги 1/4-сон қарори (рўйхат рақами 2332, 2012 йил 2 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 8-9-сон, 92-модда) билан тасдиқланган Кредит ташкилотлари томонидан Кредит ахборотининг давлат реестрига ва кредит бюроларига кредит ахборотини тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 4-банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«4. Кредит ахборотининг тақдим этилишида унинг бутлигини, ишончлилигини ва махфийлигини таъминлаш мақсадида Кредит бюроларини рўйхатга олиш ва уларнинг фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 3042, 2018 йил 25 июль) мувофиқ хавфсизлик чоралари кўрилиши лозим.»

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 8 июнь,
13/8-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 20 июнда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва
идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини
давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2019 йил 15 июндан 21 июнгача
бўлган маълумотни маълум қилади

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2019 йил 29 майдаги 67-сон «Пенсия ишларини расмийлаштириш ва юритиш тартиби ҳамда пенсия ҳужжатларининг шакллари ва уларни тўлдириш қоидалари тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2019 йил 17 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2282-6.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази директорининг 2019 йил 29 майдаги 01-263-сон «Корпоратив бошқарув илмий-таълим маркази магистратурасига кириш тест синовларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи.

2019 йил 17 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2812-1.

3. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2019 йил 12 июндаги 71-сон «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 ноябрдаги ПФ-5245-сон «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони бўйича пенсияларни қайта ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи.

2019 йил 19 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2963-1.

4. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2019 йил 2 майдаги 71-сон «Муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни маъмурий жавобгарликдан озод этиш ва паспортни расмийлаштиришда давлат божини қоплаш учун тегишли ҳужжатларни расмийлаштириш ҳамда судларга ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

2019 йил 19 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3168.

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Давлат божхона қўмитасининг 2019 йил 10 июндаги 335-В-3, 01-02/12-22-сон «Хори-

жий давлатлар автотранспорт воситаларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кирганлиги ҳамда транзит ўтиши учун йиғимларни ундириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2019 йил 20 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2694-3.

6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 8 июндаги 13/6-сон «Кредит бюrolари ва кредит бюrolарига кредит ахборотини тақдим этувчи органлар ва ташкилотлар ўртасида кредит ахбороти алмашинуви тартиби тўғрисидаги низомнинг 5-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори.

2019 йил 20 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2330-1.

7. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 8 июндаги 13/7-сон «Кредит бюrolари, кредит ахборотидан фойдаланувчилар ва кредит ахборотини етказиб берувчилар ўртасида кредит ахбороти алмашинуви ҳамда кредит ҳисоботларини тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 2-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори.

2019 йил 20 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2331-1.

8. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 8 июндаги 13/8-сон «Кредит ташкилотлари томонидан Кредит ахборотининг давлат реестрига ва кредит бюrolарига кредит ахборотини тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 4-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори.

2019 йил 20 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2332-3.

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази директорининг «Корпоратив бошқарув илмий-таълим маркази магистратурасига кириш тест синовларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2812, 2016 йил 14 июль).

Адлия вазирининг 2019 йил 17 июндаги 258-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

2. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 ноябрдаги ПФ-5245-сон «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони бўйича пенсияларни қайта ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2963, 2018 йил 12 январь).

Адлия вазирининг 2019 йил 19 июндаги 259-мх-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.